БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 187 (18.065). • 14 август 1981 йил, жума • Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

• Серқуёш диёр пахтакорларининг шу кунлардаги долзарб ишлари

• Илғор хўжаликларнинг миришкор деҳқонлари мўл-кўл ҳосил тўплаш учун курашмоқдалар

• *Муҳим объектлар фойдаланишга топширилмоқда*

Туркманистонлик пахтакорлар Хоразм области далаларида иш олиб бормоқдалар. Суратда: ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари Қўшкўпир районидаги Киров номли колхоз пахта далаларини кўздан кечирмоқдалар. Бу хўжалик 45 центнерлик ҳосил учун кураш олиб бормоқда.

Қ. Отаев фотоси (ЎзТАГ).

ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАР МУДДАТИДАН ОЛДИН ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛСИН

АНДИЖОН ТЎҚИМАЧИЛАР ЎЛКАСИ

Андижон тўқимачилик комбинатининг бирданига икки филиали фойдаланишга топширилди. Бу филиалларнинг ҳар бири йил сайин 20 миллион метр ип-газлама ишлаб чиқарадиган бўлади.

Иккала корхона ҳам район марказларида — Қўрғонтепа ва Марҳаматда қурилди. Бу корхоналарнинг ҳар бирида 570 тадан кўпроқ мокисиз замонавий тўқув станоклари ўрнатилган бўлиб, буларда юзлаб қишлоқ меҳнаткашлари икки смена ишлайдиган бўлади. Улар бош корхонада, Тошкент ва Ленинград тўқимачилик комбинатларининг цехларида ишлаб чиқариш таълими олдилар ва стажировкадан ўтдилар.

Марҳаматдаги филиални «Андижанирстрой» трестининг механизациялашган кўчма колоннаси, Қўрғонтепадаги филиални эса «Андижангидрострой» трестининг 5-механизациялашган колоннаси қурди. Ҳар икки коллектив ҳам топшириқни зарбдорларча бажарди. Тўқимачилик корхоналари ўн ой ичида ишга туширилди, яъни нормативда белгиланган муддатдан бир йил аввал фойдаланишга топширилди.

Мамлакатнинг энг йирик пахтачилик ўлкаси бўлган Андижон области эндиликда тўқимачилар ўлкасига ҳам айланиб бормоқда. Ҳозирги вақтда Избоскан, Пахтаобод ва Балиқчи районларида калава ип ва нотўқима материаллар ишлаб чиқарадиган яна учта филиални қуриш ниҳоясига етай деб қолди. Бу филиаллар яқин ҳафта ичида маҳсулот бера бошлайди. Қўрғонтепадаги ишлаб турган тўқув цехи билан ёнма-ён эса 12 мингта ишчига мўлжалланган йигирув фабрикаси қурила бошланди.

Тўқимачилик комплекси Фарғона водийси сингари аҳоли зич жойлашган регионда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш имконини беради.

Андижонлик тўқимачилар қурувчилардан комбинат филиалларини қабул қилиб ола туриб, КПСС XXVI съезди енгил саноат ходимлари олдига қўйган ҳамда КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «1981—1985 йилларда энг зарур моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва аҳолининг шу моллларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондиришга доир тадбирлар тўғрисида»ги ва «1981—1985 йилларда хариддоргир моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг сифатини ошириш ва хилини яхшилаш тадбирлари ҳақида»ги қарорларида кўрсатиб ўтилган вазифаларни шараф билан бажаришга қатъий аҳд қилганликларини айтдилар. [ЎзТАГ].

АНИҚ МАҚСАД ЙЎЛИДА

Совхозимиз дирекцияси, партия ташкилоти ва ишчилар комитети КПСС XXVI съезди қарорлари асосида яқин йиллар ичида амалга ошириладиган ишларнинг комплекс планини ишлаб чиққан эди. Ҳозир бу тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш учун қизғин иш олиб борилмоқда.

Август ойи ҳосил тақдирини ҳал этишда муҳим палла эканлигини яхши тушунган совхоз аҳли ҳозирги кунларнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланмоқдалар. Агротехника тадбирларига тўла амал қилган ҳолда ғўза парваришининг сифатли олиб борилишига эришилябти. Хўжалигимизда органик ўғитлар ғўза илдизига яқинлаштириб солиняпти. Қайта чигит экилган майдонларнинг ғўзалари қўшимча озиқлантириляпти. Юздан зиёд коммунистни бирлаштирган партия ташкилоти асосий эътиборни ғўзага комплекс ишлов беришга — культивация қилиш, суғориш, сувдан оқилона фойдаланиш, ҳашаротларга қарши курашиш ишларига қаратган.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, 1979—1980 йиллар қишки мавсумида қорвачиликни ривожлантиришда энг юқори кўрсаткичларга эришгани учун совхозимиз КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғи ҳамда республика кўчма Қизил байроғини олишга муяссар бўлди. Бу ўз навбатида аҳил коллективимизни янада илҳом билан ишлашга руҳлантирди. 14 сут соғувчи бирбирлари билан социалистик мусобақалашиб, ҳар бир сигирдан 3—4,5 минг килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилган. Масалан, М. Нуриддинова, Э. Маҳкамова, С. Ҳусанова, Л. Тўйчиева, Д. Жуманова, Қ. Нуриддинова кабилар ўзаро мусобақалашиб, ойлик топшириқларини мунтазам ортиғи билан бажариб келяптилар. Совхоз маъмурияти аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига доимий ўсиб бораётган талабларини ҳисобга олиб, бундай маҳсулотларни йил сайин кўпайтириб боришга биринчи даражадаги вазифа деб қарайверадилар.

Совхозда пахтачиликни ривожлантириш ва ҳосилдорлигини ошириш борасида бирмунча ишлар қилинмоқда. Бултур зиммага олинган социалистик мажбурият шараф билан уддаланиб, она-Ватан хирмонига 4 минг тонна юқори сорт пахта топширилган, гектаридан 40 центнердан ҳосил йиғиштириб олинган эди. Ўн биринчи беш йилликка белгиланган тадбирларимизда эса ҳар йилги олинадиган ҳосил 4700 тоннадан кам бўлмаслиги кераклиги кўрсатилган. Бу йилги кўтарилган «оқ олтин» хирмонининг тақдири эса ҳозирги долзарб кунлардаги меҳнатимизга боғлиқ эканлигини яхши тушунамиз. Шу боис дан ҳам бутун куч, техника воситаларини ҳар бир карта, ҳар бир қаторда ғўзаларнинг тезроқ мўл ҳосил тўплаб олишига қаратмоқдамиз. Тез-тез ёғингарчиликлар бўлиб ўтганлиги туфайли айрим карталарда тупроқ қатлами зичлашиб, ғўзалар илдизи керакли ҳарорат — ҳавони ололмай қолди. Бунинг олдини олиш учун бутун чоралар билан культивацияни кучайтирдик, чопиқ тракторларининг икки сменада ишлашини таъминладик. Албатта, бу ишда сон кетидан қувмасдан асосий эътиборни сифатга қаратдик. Кетмон чопиғини культивацияга уйғунлаштириб олиб бориб, экинни бегона ўтлардан тозаладик. Культивацияни сифатли ўтказишда чопиқ тракторларининг ишчи органлари мукаммал бўлишига эришилгани қутилган натижани беряпти. Бу йилги вазиятни ҳисобга олиб, ҳозиргача йиллик ўғит нормасини бериб бўлдик. «Шарбат» оқизишни эса давом эттиряпмиз.

Ҳозирги долзарб вазифалардан бири ғўзани суғориш масаласидир. Бу иш бир маъромда кеча-кундуз ўтказиляпти. Ҳар томчи сувдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилиш билан бирга сувчилар сонини кўпайтирдик. Асосий шиоримиз: «Бир қатра сув исроф бўлмасин, бир туп ҳам ғўза чанқаб қолмасин!»

КПСС XXVI съезди қарорларида меҳнатни тўғри ташкил қилиш, ишчи ва хизматчиларнинг маданий турмушини янада яхшилаш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Бизнинг шу беш йилликкка белгиланган перспектив планларимизда ҳам бу масала асосий ўрин эгаллайди. Чунки буни амалга оширмай туриб кўзланган меҳнат муваффақиятига эришиб бўлмайди. Шу мақсадларда 140 ўринли болалар боғчаси, медпункт, 1500 ўринли стадион, ишчилар учун дам олиш уйи, 1100 ўринли ўрта мактаб, клуб, фарзандларимиз учун пионер лагери, Янгиқўрғонча қишлоғида 70 та типовой уй, Ўйшун посёлкасида савдо маркази қурилади. Йилига ўрта хисобда 50 ишчининг маданий хордиқ чиқаришини таъминлаймиз. Келаси йилдан бошлаб ҳар бир ишчининг ўртача ойлик иш ҳақи 190—195 сўмга етказилади. Ҳар бир ишчи оиласининг йиллик даромади эса 3—3,5 минг сўмдан кам бўлмайди. Юқоридаги тадбирлар амалга оширилгач, беш йиллик охирига бориб совхоз барча тармоқлар бўйича 10 миллион сўмлик ялпи даромад олади. Далаларда, фермада олиб борилаётган ишлар ана шу мақсадга йўналтирилган.

Ж. БОБОЕВ,
Каттақўрғон районидаги «Ленинизм» совхози директори.

Т. НАБИЕВ,
совхоз партия ташкилоти секретари.

И. ХУРСАНДОВ,
ишчилар комитети раиси.

«Совет Ўзбекистони» ва ЎзТАГ мухбирларидан

МУСОБАҚАДОШ ПАХТАКОРЛАР РЕСПУБЛИКАМИЗ ДАЛАЛАРИДА

СУРХОНДАРЁ

Қумқўрғон районидаги «Қизил Октябрь» колхозидан тажрибали пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳасан Мухторовнинг номи сурхондарёдагина эмас, шу билан бирга қўшни Тожикистонда ҳам яхши маълум. Қардош республикадан келган ўзаро текшириш группасининг аъзоларига ингичка толали пахтадан мўл ҳосил етиштириш устасининг иш тажрибаси билан танишиш мароқли бўлди.

Бу йил Ҳ. Мухторов бригадаси 82 гектар ерда ипак пахта етиштирмоқда. Коллектив гектар бошига 70 центнердан пахта бериш мажбуриятини олди. Марра юксак бўлса-да, уни бемалол эгаллаш мумкин.

— Биз Мухторов бригадаси далаларини синчиклаб кўриб чиқиб, ана шундай хулосага келдик, — деди тожикистонлик пахтакорлар ўзаро текшириш бригадасининг аъзоси, Турсунзода районидаги Ленин номли колхознинг бош агрономи К. Мамадалиев, — ҳамма майдондаги экинлар жуда яхши авж олмоқда. Ғўзаларда ўрта ҳисобда 16—18 тадан бўлиқ кўсак бор. Пахтакорлар ғўза ривожидаги қолоқликка тамомила барҳам бериб, ҳосил тўплашнинг ўтган йилги суръатларига етиб олдилар.

Меҳнат яхши ташкил этилганлиги, бригадада интизом қатъий бўлиши билан бирга ғўза парвариши юксак агротехника қоидалари асосида олиб борилиб, илғор тажриба, фан ютуқлари кенг қўлланилмоқда. Бу ерда культивация чоғида эгатлар чуқур юмшатиляпти, ғўза қисқа-қисқа эгатлар бўйлаб «шарбат» усулида суғорилмоқда. Маҳаллий ўғитга асосий ўрин берилмоқда. Чопиқ қилишда ҳам, суғоришда ҳам ўғит солинмоқда. Парвариш бошланганидан бери ҳар гектар ерга 25 тоннадан кўп органик ўғит солинди.

БУХОРО

Ғиждувон районидаги Энгельс номли колхоз бригадири Низом Шамсиевдан кўп нарсани ўрганса бўлади. Туркманистон ССР деҳқонлари ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари шундай фикрни билдирдилар.

— Бу бригадада дала ишларининг ташкил этилиши бизга ёқиб қолди, — деди Чоржўй область Денов районидаги Фрунзе номли колхоз бош агрономи Д. Маметқулиев. — 85 гектар ернинг ҳаммасида ғўзалар яхши авж олган, ҳар бир тупда 10—12 тадан бўлиқ кўсак, кўпгина ҳосил тугунчалари бор. Далалар бегона ўтлардан батамом тозаланган. Бригада гербицидларни қўллаш борасида катта тажриба тўплаганлиги далаларни бегона ўтлардан тозалашда қўл меҳнатини тугатиш имконини берди.

Ҳозир Н. Шамсиев бригадаси ўсимликларни зўр бериб парвариш қилишни давом эттиришни мақсад қилган.

Меҳнат ташкили ва тажрибали деҳқон, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Саттор Жабборов шу хўжаликка кўп йиллардан буён раҳбарлик қилиб келмоқда. Бу ерда деҳқончилик маданияти юксак даражада эканлиги қардош Туркманистон вакилларига ёқиб тушди. Хўжаликдаги карталар йирик, улардаги экинлар бир текис ривожланмоқда, далалар бегона ўтлардан тозаланган. Бу ерда сув таъминотини яхшилаш учун қўшимча манбалардан—бешта артезиан қудуғидан фойдаланилмоқда.

«Гулистон», С. Айний номли, «Коммунизм» колхозларида дала ишлари уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Бироқ текширувчилар қайд этиб ўтишганидек, Ленин номли, «Ленинизм» колхозлари ва бошқа айрим хўжаликларда ғўзаларнинг авжи паст. Дала ишларини ташкил этишда камчиликлар мавжуд, чеканка ўтказиш чўзиб юборилмоқда. Чунончи, райондаги 18 та чеканка агрегатининг ҳаммаси бекор турибди. Меҳнатлар ҳосил тўла етилгунга қадар ўсимликларни интенсив парвариш қилишни давом эттиришни маслаҳат бердилар.

ТОШКЕНТ

«Ғалаба» районида пахта териш машиналарининг ҳаммаси мавсумга тахт қилиб қўйилган. Бу ҳол Озарбайжон пахтакорларининг бу ерга келган ўзаро текшириш делегацияси аъзоларини қувонтирди.

Меҳмонлар пахтани машинада териш усталарининг тажрибасини мароқ билан ўргандилар. Бу ерда «оқ олтин»нинг қарийб ҳаммаси машиналар ёрдамида териб олинади. Бу йил районда 40 та «зангори кема» икки сменада ишлайди. Колхоз ва совхозларда тузилган 35 та отряд ипатоволиклар методи асосида бункер—тележка — тайёрлов пункти усулини қўллаб, конвейернинг аниқ пухта ишлашини таъминлайди. Ҳар бир отрядда ёнилғи қуядиган бригада, малакали созловчи ва слесарлар билан таъминланган кўчма устахоналар, маданий-маиший хизмат звеволари бор.

Озарбайжондан келган меҳмонлар «Ғалаба» районида ҳосилни машинада териш соҳасида тўпланган тажриба ўз республикаларида ҳам кенг оммалаштиришга лойиқ эканлигини қайд этдилар.

НАМАНГАН

Ўзбекистонлик ва озарбайжонлик пахтакорларнинг ўзаро социалистик мусобақаси анъанага айланган. Икки қардош халқ бир-бирига ўргатиб, бир-биридан ўрганиб иш юритаётганликлари туфайли йил сайин пахта стиштиришни кўпайтирмоқдалар. Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети сув хўжалиги бўлимининг мудири Зулфиқор Мусаев, Бардин аграр ишлаб чиқариш бошқармаси бош агрономи Наримон Самедов, Озарбайжон сельхозхимияси катта агрономи Қудрат Мардоновни наманганлик пахтакорлар қизғин кутиб олишди. Бир неча кундирки улар область далаларида бўлишиб, наманганлик пахтакорлар социалистик мусобақа шартларини қандай бажараётганликларини текширишмоқда.

— Наманганликлар съездлар йилида жуда катта — 500 минг тонналик хирмон уюш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилаётганликларининг гувоҳи бўлдик, — деди Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети сув хўжалиги бўлими мудири З. Мусаев. — Улар ғўза парваришини уюшқоқлик билан ўтказиш учун бошланган зарбдор юз кунликда актив иштирок этмоқдалар. Норин районидаги «Пахтакор» колхозининг Башорат Аҳмаджонова бошлиқ бригадаси даласида гуркираб ўсаётган ғўзаларда 22 тагача кўсак санаганимизда, айниқса қувондик.

Мусобақадошлар Янгиқўрғон районидаги «Правда» совхози, Карл Маркс номли, Ильич номли колхоз далаларидаги баравж ғўзаларнинг ҳар тупида 6-7 тадан кўсак санаяпти. Мазкур хўжаликларда механизаторлар ғўзага ва ҳосил нишоналарига зарар етказмаслик учун культиваторларга мослама ўрнатишгани ўзаро текшириш бригадаси аъзоларига айниқса манзур бўлди.

Озарбайжонлик пахтакорларга областда ғўзага «шарбат» оқизиш, маҳаллий ўғит билан озиқлантириш, пахта кушандаларига қарши биологик усулда кураш олиб бориш бўйича тўпланган тажрибалар ҳам жуда маъқул келди.

Шу билан бирга мусобақадошлар областнинг Норин, Учқўрғон, Уйчи, Чортоқ районларининг баъзи хўжаликларида культиваторлар тўла ишлатилмаётганлигини, баъзи майдонларда вилт бор-лиги ва ғўзалар қўллатиб суғорилаётганлигини таъкидлаб, бу камчиликларни тезликда бартараф этиш учун қимматли маслаҳатлар бердилар.

Қулайлик

Бувайда районн марказн Янгиқўрғон кун сайин чирой очмоқда. Ҳадал суръатлар билан тикланаётган маданий-маиший объектлар қишлоқ қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда. Ўтган йили фойдаланишга топширилган район марказий касалхонасида ўринлар сони янада кенгайтирилмоқда. Яқинда унинг қошида 50 ўринли туғруқхона очилди.

— Партия-ҳукуматимизнинг бундай ғамхўрлигидан барча мамнун бўлмоқда, — дейди шифохона бош врачи М. Султонов. — Туғруқхонага малакали врачлар жалб қилинди. Келгусида ўринлар сони 110 тага етказилади.

Р. ИЗБОСАВОВ,
Фарғона области.

АФҒОНИСТОНЛИК МЕҲМОНЛАР

Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Афғонистон Демократик Республикаси жамоатчилиги вакилларининг бир группаси республика билан танишишни давом эттирмоқда.

Афғонистонлик меҳмонлар Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг экспозициясини кўздан кечирдилар, республика Фанлар академияси қўлёзмалар институтида бўлдилар, Янгийўл районидаги Ленин номли ва «Ленинизм» колхозларига бориб келдилар. Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамиятининг активлари билан учрашдилар, республика касаба союзлари Советида бўлдилар.

13 август куни қўшни дўст мамлакат жамоатчилигининг вакилларини Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов қабул қилди. (ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ С. Р. ОДИЛОВга «СССР ХАЛҚ АРХИТЕКТОРИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Совет архитектурасини ривожлантиришдаги катта хизматлари ва шаҳар қурилиши соҳасидаги самарали ижодий фаолияти учун Тошкент шаҳрининг бош архитектори Ўртоқ Собир Раҳимович Одиловга «СССР халқ архитектори» фахрий унвони берилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1981 йил 12 август.

ТАСС БАЁНОТИ

Хиросима қурбонлари хотираси куни — 6 августда АҚШ президенти Р. Рейган нейтрон қуролини кенг кўламда ишлаб чиқаришга киришиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ер юзидаги халқларнинг ҳоҳиш-иродаси ва манфаатларини сурбетлик билан менсимасдан қабул қилинган ана шу қарор натижасида АҚШнинг бусиз ҳам ғоят катта ядро аслаҳахонаси одамларни оммавий қиришнинг янги, ғоят вахшиёна воситаси билан тўлдирилади.

АҚШ маъмуриятининг бу қадами халқаро ишларга ниҳоятда хатарли оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган ёндашувнинг яна бир ҳайрон қолдирадиган намунасидир. АҚШ кейинги йилларда амалга ошираётган тадбирлар — ҳарбий харажатлар кескин оширилганлиги, СҚЧ-2 шартномасини ратификация қилиш барбод этилганлиги, ўртача олисликка учадиган янги ядро ракеталарини Ғарбий Европада жойлаштиришга тайёрлик ва, ниҳоят, нейтрон қуроли ишлаб чиқариш тўғрисидаги қарор бир қаторга тизиб қўйилса, у ҳолда Вашингтонда қуролланиш пойгасини тўхтовсиз давом эттириш ва дунёдаги вазиятни чигаллаштириш йўлидан борилаётганлиги ғоят равшан бўлиб қолади.

Америка маъмуриятининг кейинги қарори дунёдаги кўпгина давлатларда ва ҳатто НАТОнинг кўпчилик мамлакатларида алоҳида қаҳр-ғазаб ва ташвиш билан кутиб олинганлиги тасодифий эмас. Бу қарорни амалда Пекиннинг бир ўзигина ошкора маъқуллашга журъат этди.

Ҳозир Вашингтондагилар халқларни чалғитишга, АҚШ шаънига ёғдирилаётган қаҳр-ғазабни сусайтиришга уринмоқда. Ишлаб чиқариладиган нейтрон зарядлар Америка территориясида жойлаштирилади, шу боисдан гўё бу — «АҚШнингтина ички иши» демоқдалар.

Аммо шу нарса ҳаммага равшанки, нейтрон қуроли асло АҚШ территориясида қўлланиш учун яратилаётгани йўқ ва бу қурол исталган қуни Европа қитъасида ёки Оқ уй «АҚШ ҳаётий манфаатлари доираси» деб эълон қилишни хоҳлаб қолган бошқа районда пайдо бўлиб қолиши мумкин. Натижада бугун АҚШнинг «ички иши» деб аталаётган нарса бошқа қитъалардаги миллион-миллион кишиларнинг ёстиғини қуритиши, жаҳон ядро ёнгинининг бошланиши бўлиб қолиши мумкинки, бу ёнгин алангаси Қўшма Штатларни ҳам қамраб олди.

Вашингтондагилар ўзларининг НАТОдаги иттифоқчиларини бўлар иш бўлди қабилидаги аҳволда қолдиришга ва қилганликлари: аввалига нейтрон қуролининг запасларини вужудга келтириб, сўнгра эса уларни ана шу қуролни ўз территорияларида жойлаштиришга мажбур этишга қарор берганликлари равшан кўриниб турибди.

Вашингтон халқларнинг, шу жумладан АҚШга иттифоқчи мамлакатлар халқларининг айни яшашидан иборат масалаларга таллуқли ишларда ҳатто уларнинг фикри билан қизиқишни лозим деб ҳам ҳисобламайди, бу ҳол биринчи марта содир бўлаётгани йўқ. Ғарбий Европа давлатларининг баъзи арбоблари аслида Американинг жиноий режаларига йўл қўйиб бериб, Вашингтонда қабул қилинган қарор гўё ўзларига таллуқли эмасдек таассуротни вужудга келтиришга уриниб, бундан ҳам кўпроқ масъулиятсиз позицияни эгаллаб турибдилар.

Америка президентининг нейтрон қуролини ишлаб чиқариш тўғрисидаги қарори Вашингтоннинг ядро қуролларини қисқартириш тўғрисида аҳдлашувларни қидириш нияти ҳақидаги даъволари риёкорлиқ эканлигини алоҳида яққол кўрсатади. Аслида АҚШ ҳозирги маъмурияти шу пайтгача қилган ишларнинг ҳаммаси мутлақо тескари йўналишда — Американинг ҳарбий потенциалини кўпайтириш, халқаро кескинликни кучайтириш, қуролсизланиш соҳасидаги музокараларни мушкуллаштириш йўлидан бормоқда. У ерда ҳозир кучга умид боғланмоқда. Холбуки, кейинги ўн йиллар тажрибаси шуни рад этиб бўлмас даражада исботлайдики, бу йўл асло халқларнинг шу жумладан Америка Қўшма Штатлари халқининг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаши мумкин бўлган йўл эмас. Бунинг мутлақо аксидир.

Ҳарбий аслаҳахоналарда нейтрон қуролининг пайдо бўлиши ядро бўсағаси деб аталмиш даражанинг хатарли равишда пасайиб кетишига, оддий қилиб айтганда эса, ядро уруши чиқиш хавфи ошиб кетишига олиб келган бўлур эди ва бунинг учун бутун жавобгарлик Америка Қўшма Штатлари зиммасига тушади.

Америка стратеглари нейтрон заряди гўё аллақандай «соф», салкам «инсонпарварлик» қуролидир деган гапни одамлар онгига сингдирмоқчи бўлаётганликлари хатарли хом хаёлдир. Атайлаб одамларни қиришга мўлжалланган, олимларнинг огоҳлантиришларича, бундай қуролни қўллаш оқибатлари ғоят узоқ давр сақланиб, келгуси авлодларга ҳалокатли таъсир кўрсатадиган қурол тўғрисида шундай гаплар айтиляпти. Вашингтонча «инсонпарварлик» мана шунақа!

Инсоннинг энг биринчи ҳуқуқи — яшаш ҳуқуқини ҳимоя этиш учун курашиш, Америка ҳарбийларининг нейтрон қуроли билан боғлиқ вахшиёна режаларини барбод этиш барча соф виждонли кишиларнинг ишидир. Ақл-идрок шуни тақозо этадики, қурол-яроғларни, шу жумладан ядро қуролларини чеклаш, камайтириш ва пировард натижада уларни тугатиб юбориш йўли уруш олиб боришнинг тобора янги-янги воситаларини тўплаш йўлига қатъиян қарши қўйилмоғи керак.

Маълумки, Совет Иттифоқи нейтрон қуролини ишлаб чиқаришдан ўзаро воз кечиш, уни тақиқлаш тўғрисида келишиб олишни бир неча бор таклиф қилди. Бу борада социалистик мамлакатлар кириттан халқаро конвенциянинг конкрет лойиҳаси Женевадаги қуролсизланиш комитетининг музокаралар столида ётибди.

Совет раҳбар доиралари масалани шундай ҳал этиш тинчликни мустаҳкамлаш вазифасига энг яхши тарзда мос бўлиб тушади ва давлатлар билан бирга халқларнинг манфаатларини кўзлаган бўлур эди, деб ҳамон қатъий ишонадилар.

Шу билан бирга Совет Иттифоқи Америка Қўшма Штатлари қўяётган қадамлар сабабли вужудга келадиган вазиятга тегишли тарзда баҳо бериши ва ўзининг хавфсизлигини, дўстлари ва иттифоқчиларининг хавфсизлигини таъминлаш учун зарур чоралар кўришига ҳеч кимда шубҳа қолмаслиги керак.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

„ҚИРМИЗИ ДОН“ ҲАҚИДА

Қорақалпоқ шоликорларининг довруғи эндиликда бутун мамлакатга ёйилган. Партия кродаси билан, совет кишиларининг фидокорона меҳнати туфайли Амударёнинг қуйи оқимида йирик шоликорлик райони барпо этилди. Ҳозир бу ерда йилига 290—300 минг тоннага етказиб «қирмизи дон» етиштирилмоқда. Шоли етиштиришни кўпайтиришнинг бугунги суръати унинг кенг истиқболидан далолатдир.

Нукус районидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозининг бош ирригатори билан суҳбатимиз чўзилиб кетди. Бу йилги ишлар, келгусидаги режалар ҳақида гап очилди-ю, унинг чеҳрасида ташвиш аломатлари пайдо бўлди.

Сафарниёз Олланиёзов эсли шу ерда туғилиб ўсган. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтини тамомлаб келганига унча кўп бўлгани йўқ. Лекин совхоз ерларининг пасти-баландини жуда яхши билади. Ер шайдоси. Бир неча йилдирки, совхозда бош ирригатор бўлиб ишлайди.

— Ташвишланмай бўладими? — деди у гап орасида. Кўкламда катта қийинчиликлар билан уруғни ундириб олгандик. Энди гербицид сепиб, шолипояларга сув очамиз деб турганимизда —18 июндан 5 июлгача сув бўлмай қолса денг. Бундай аҳволда кўчатни сақлаб қолишнинг ўзи бўладими? Гербицид ҳам кўзлаган самарани бериши амримаҳол.

Олланиёзовнинг жон қуйдирганича бор: магистрал каналдан совхозга аслида секундига 26 куб метр ҳажмида сув оқиши керак. Афсуски, сув ажи сероб кезлари ҳам каналдаги сув бу норманинг ярмига етиб-етмайди. Сув тақчиллиги кучайган паллада шолипояларга оқава сувлар оқизилмоқда. Бу ҳосилдорликни пасайтириб юборишини изоҳлаб ўтиришга ҳожат ҳам йўқ.

Шоликорларнинг ишига бошқа муаммолар ҳам тўғаноқ бўлмоқда. Масалан, 2 минг гектар шолипоя ирригация жиҳатидан ўн беш йилча илгари, ўша пайтдаги лойиҳага кўра тайёрланган. Шундан эндигина 450 гектари реконструкция қилинди. (Қаранг, ўн беш йилки, бу майдонларга муттасил шоли экиб келинмоқда!) Қисқаси, автоном республика шоликорлик хўжаликларида алмашлаб экишнинг илмий жиҳатдан асосланган аниқ схемаси сўст жорий этилмоқда. Умуман, ерларни ирригация жиҳатидан қайта тайёрлаб, алмашлаб экишга тўла ўтилса, ҳосилдорлик гектар бошига 10-15 центнерга кўтарилган бўларди.

Чимбой районидаги «Октябрь» совхозида ҳам худди шундай. Хўжаликдаги ирригация иншоотларини тўла реконструкция қилиш керак. Экин майдонларида ер ости сувлари сатҳи кўтарилиб бормоқда. Чунки Майёб канали шу ерларни ёқалаб оқади. Нукус, Кегайли, Чимбой районларидан келувчи коллекторлар ҳам шу хўжалик орқали ўтади. Табиийки, бу сизот сувларининг кўпайишига сабаб бўлаётир.

Қўшни Қораўзак районида бўлганимизда райкомнинг биринчи секретари Султон Каньязов ҳам хўжаликларни тўла шоли етиштиришга ихтисослаштириш ўчун асосан сувнинг тақчиллиги туғаноқ бўлиб турганини айтди. Ҳозирги пайтда 11 минг гектар майдонда шоли етиштирилаётган бу районда хўжаликлар шоликорликка тўла ихтисослаштирилса, йилига 200—220 минг тонна сарафдон етиштириш мумкин. Бунинг учун фақат сув муаммосини ҳал этиш керак.

Умуман, ўнг қирғоқ зонасининг шимолий районларини сув билан таъминлайдиган Қизкетган—Қуанишжарма магистралининг сув ўтказиш қуввати ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак. Шу нарса аёнки, агар Қуанишжарма каналидан секундига 400—450 куб метр сув оқсагина, бу регион хўжаликларининг эҳтиёжи тўла қоплади. Ҳолбуки, каналнинг сув ўтказиш қуввати ҳозир 160—170 куб метрдан ортмайди. Қораўзак райони хўжаликларида асосан Есим канали орқали сув олади. Ундан оқаётган сув эса ҳозир 50 куб метрга ҳам етмайди. Марҳа каналининг сув ўтказиш қуввати ҳам эҳтиёж даражасида эмас.

Шунинг учун ҳам район шоликорлари Қизкетган — Қуанишжарма магистралини, шу жумладан Есим канали ўзанини камида икки баравар кенгайтириш керак деб ҳисоблайдилар. Бу Қораўзак районида деҳқончиликни ихтисослаштириш ва марказлаштиришнинг даврилгари сураётган вазифаларини тўла уддалаш имконини беради. Бу ишлар Марҳа, Майёб, Тельман ва бошқа суғориш каналларига ҳам таалуқли, албатта. Айни пайтда бутун магистрал бўйлаб қурилган гидроиншоотларнинг сув ўтказиш қуввати ҳам икки-икки ярим баравар ошириш талаб қилинади.

Тахтакўпир эндиликда суғориладиган деҳқончилиги тамомила шоли етиштиришга ихтисослаштирилган йирик районга айланди. Дзержинский номли, «8-Март» совхозларидан кейин бешинчи хўжалик — Ленин номли совхоз ҳам шоликорликка ихтисослаштирилди. Фрунзе номли, «Совет Ўзбекистони» газетаси номли совхозлар эса бу борада ўзига хос тажриба лабораторияси бўлиб қолди.

Тахтакўпир шоличилик совхозлари қурилиши бирлашмасининг бошлиғи Пардабой Сапаров сўнгги уч йилда бажарилган ишлар ҳақида гапириб, қувонарли рақамлар келтирди.

Бирлашма шоличиликни кескин юксалтириш учун мавжуд имкониятларни ишга солишга даъват қилинган. Бошлиқнинг ҳисоб-китобларига кўра, кейинги уч йилда жами 60 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилган. Шоликорларнинг уй-жой шароитини, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашнинг кенг кўламли программаси амалга оширилди, йўллар, ишлаб чиқариш объектлари қурилди. 12 минг гектар янги ер деҳқончилик оборотига киритилди. Темижилжон гидроузели қурилиши тугалланди. Ички суғориш каналларини реконструкциялаш жадал олиб бориляпти.

Мана шу тадбирларни амалга ошириш туфайли районда ялпи шоли ҳосили кейинги бир йилдаёқ 15 минг тоннага кўпайди. Бу йил район шоликорлари 60 минг тонналик хирмон учун сабот-матонат билан курашмоқдалар. Бу кўрсаткични яқин йилларда икки баравар ошириш мумкин. Ёлғиз Тахтакўпир районида деҳқончилик учун, хусусан, шоли етиштиришга мўлжаллаб ўзлаштириш мумкин бўлган 400 минг гектардан зиёд унумдор ерлар бор.

— Ўн биринчи беш йилликда 110 миллион сўм капитал маблағ ўзлаштирилиши, 18 минг гектарлик янги шоликорлик зонаси барпо этилиши даркор, — дейди сухбатдошимиз. — Беш йил ичида шоликорлик хўжаликларида жами 84 минг квадрат метр уйжой қурамиз.

Район хўжаликларида бўлганимизда, ким билан суҳбатлашмайлик, гап сув проблемасига тақалиши билан одамларнинг чеҳрасида ўзгариш содир бўлади, улар узоқ тин олиб қолишади. Бунинг жиддий сабаблари бор. Бу йил ҳам ўн-ўн беш кунлаб сув бутунлай тўхтаб қолди. Темижилжон гидроузелига район эҳтиёжи учун етарли бўлган сувнинг 40—45 процента етиб келмоқда. Унинг анчагина қисми суғориш каналлари орқали шолипояларга етиб боргунча ер сийнасига сингиб кетаётир. Каналларда фильтрация ҳам роят кучли.

Автоном республиканинг шу регионида шоликорликни ривожлантириш бир қатор янги проблемаларни ҳам вужудга келтирдики, уларни илмий жиҳатдан асосли ҳал қилмай туриб, умуман партия илгари сураётган вазифа — озиқ-овқат программасини яхлит ва муваффақиятли ҳал этиб бўлмайди. Гап шундаки, шоличилик билан шуғулланилаётган зонада ер ости сувлари сатҳи тез кўтарилиб кетмоқда. Кўпчилик қишлоқларда ер юзаси муттасил зах бўлиб туради. Бу одамларнинг яшаш шароитини анча мушкуллаштириб қўйди, мевали дарахтлар қуриб қолишига сабаб бўлмоқда Тахтакўпир — Нукус йўлининг бир қатор участкасида ихота дарахтлари, олмазорлар қовжираб кетган.

Шуни ҳисобга олган ҳолда якка кўрғонларни тугатиб, йирик агрошаҳарчалар барпо этишга киришилган ҳозирги пайтда, совхозларнинг марказий посёлкаларини бунёд этиш чоғида пухта ўйлаб иш кўриш керак. Эҳтимол, посёлкалар ва қишлоқлар атрофида, магистрал йўллар ёқасида қамар майдонлар қолдириш, уларнинг атрофини ёнлаб, чуқур зовурлар қазиш маъқулдир.

Насос станцияларининг ишга туширишни қўлда сувни бир хил сақлаб туриш, бинобарин, уннг қирғоқларини кўкламзорлаштириб ва ободонлаштириб, автоном республикада йирик дам олиш зонасини барпо этиш имконини берган бўлур эди. Бирлашма бўлинмалари ҳозирдаёқ бу ишга киришдилар. Кўл бўйида боғ-роғлар барпо этилмоқда. Иккинчидан, кўлдан чиқариб ташланадиган сув ҳисобига катта-катта майдонлардаги яловларни сув билан таъминлаш ва мустаҳкам озуқа базаси яратиш ҳамда Белтов тоғининг орқа томонида камида икки-уч йирик чорва комплекси ташкил этиш учун реал шарт-шароит вужудга келади.

Ҳадемай шолипояларга ўрим агрегатлари, комбайнлар чиқади, автоном республикада 350 минг тоннаник хирмон учун сўнгги жанг-жадал бошланади. Шоликорлар хирмони илгаригидан ҳам баркамол, турмуши ҳозиргидан ҳам гўзал ва фаровон бўлиши учун яна бошқа бир қатор муаммоларни ҳал этиш лозим. Тегишли министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, мутахассислар бу ишда нечоғли собитқадам, адил ва принципиал бўлсалар, мамлакатимиз галла омборларига тушадиган дон шунчалик тез кўпайиб бораверади.

Б. ЮСУПОВ,
Р. ЕШИМБЕТОВ,
Ж. САЪДУЛЛАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

КЕЧАГИ ПОЧТАДАН

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИДА

Кеча редакциямиз почтасига газеталардан 35 та хат ва 7 та фотосурат келди. Уларнинг кўпчилигида шу кунгинг муҳим масалалари қаламга олинади. Қуйида ана шу хатларнинг айримлари билан танишасиз.

НАМУНАЛИ ХИЗМАТ ЎЧУН

Куни кеча Тошкентдаги Тельман номли маданият ва истироҳат боғида пойтахт маиший хизмат ходимларининг байрам тантаналари бўлиб ўтди. Унда шаҳар маиший хизмат корхона ва муассасаларининг илғорлари, коммунистик меҳнат зарбдорлари қатнашдилар. Тошкент шаҳар ижроия комитети аҳолига маиший-хизмат кўрсатиш бошқармасининг бошлиғи С. Исаев бу соҳада эришилган катта муваффақиятлар ва амалга ошириладиган муҳим вазифалар ҳақида гапирди. Жумладан, кейинги ўн йил ичида аҳолига хизмат кўрсатиш икки бараварга ўсди. Шу даврда мобайнида 44 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди. Қариб 200 минг киши агельеслар, устахоналар ва қабул пунктларига ҳар куни мурожаат қиляптилар. Етмишдан зиёд замонавий хизмат уйлари фойдаланишга топширилди. Бунга мисол қилиб «Ўзбекистон» маиший-хизмат уйи, Ғафур Ғулом, Б. Хмельницкий, Энгельс кўчаларидаги тикувчилик ва трикотаж ательеларини кўрсатиш мумкин. Меҳнатда эришган катта ютуқлари учун 20 та ходим орден ва медаллар билан мукофотланди. Маиший-хизмат ходимлари орасида Бутуниттифоқ ва республика конкурслари ғолиблари ҳам анчагина. Масалан, сартарош Л. Очилова халқаро конкурс ғолиби деб топилди ва олтин медаль билан тақдирланди.

Тантанали равишда нишонланган шаҳар маиший хизмат ходимлари байрамида аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини тубдан яхшилаш масалалари ҳам кўрилди.

С. АЛИЕВ,
меҳнат ветерани.

СТУДЕНТЛАР — ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА

Тошкент давлат медицина институти студентлари учинчи меҳнат семестрини меҳнатда кўтаринки руҳ билан ўтказмоқдалар. Институт стоматология факультетининг ўзидангина 9 та отряд турли қурилишларда иштирок этяпти. Масалан «Қурувчи», «Шифокор», «Стоматолог» қурилиш отрядлари Янгийўл районидаги нефть базасида, «Ташэлектромаш» заводи ва Назарбекдаги уйжой қурилишларида алоҳида ўрнак кўрсатиб ишламоқдалар. Шунингдек, улар мактаблар, болалар боғчалари ва яслилари биноларини ремонт қилишда фаол иштирок этяптилар.

Назарбекда фидокорона меҳнат қилаётган «Стоматолог» қурилиш отряди аъзолари ишини алоҳида таъкидлаш керак. Улар бунёдкорлик ишларида кунлик план-топшириқларини 150—180 процентдан адо этмоқдалар. Талабалар тиклаётган уй-жойлар сифатлилиги билан ажралиб турибди. Улар республикадаги барча студентлар қурилиш отрядларига мурожаат қилиб, бир кунлик меҳнат ҳақини Назарбек фондига ўтказиш ташаббуси билан чиқдилар.

М. ИСМОИЛОВА,
ТошМИ талабаси.

МАВСУМГА ШАЙ

Охунбобоев шаҳридаги Сўфиқишлоқ пахта тозалаш заводи ва унинг филиалларидаги лаборатория тарозилари, қуритиш-тозалаш цехлари бўлажак ҳосилни қабул қилишга тахт қилиб қўйилди. Пахта пунктларида турли маркадаги 24 та вентилятор, 15 та прицеп, 16 та трактор, пахтани тушириш ва юклаш мосламалари, транспортерлар ва бошқа механизмлар сифатли ремонтдан чиқарилди. Бу ишларнинг ҳаммаси социалистик мусобақа асосида ташкил этилганлиги туфайли қувончли ютуқлар кўлга киритилмоқда. К. Абдурахмонова мудирлик қилаётган «Ойим» пахта қабул қилиш пункти ходимлари, айниқса, фидокорона меҳнатлари билан бошқаларга ўрнак бўляптилар. Улар республика пахта тозалаш корхоналари ўртасида биринчи бўлиб техникани мавсумга тахт қилиб қўйганлари учун пул мукофоти билан тақдирландилар.

Завод ишчи-хизматчиларининг мақсади битта — жалолқудуқлик пахтакорларнинг 55 минг тонналик «оқ олтинини нест-нобуд қилмай қабул қилиб олишдир.

Ж. ТОШБОЕВ.

СИФАТ КЎРСАТКИЧИ—КОРХОНА КЎЗГУСИ

АСОСИЙ МЕЗОН

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР АДРЕСИ: САМАРҚАНД: «8 МАРТ» БИРЛАШМАСИ

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати ҳамда Самарқанддаги «8 Март» тикувчилик бирлашмаси коллективларининг маҳсулот техника даражаси ва сифатини ошириш, ўн биринчи беш йилликда олий сифат категорияли буюмлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш тажрибаси тўғрисида махсус қарор қабул қилди.

«Аъло даражада тайёрланса, аъло даражада сотилади» шиори остида ишлаётган Самарқанддаги «8 Март» тикувчилик бирлашмаси кейинги йилларда илғор корхоналар қаторидан ўрин эгаллади. Шуниси қувончлики, бу ерда план топшириқлари, юксак социалистик мажбуриятлар йил сайин муваффақиятли уддаланмоқда. Ишлаб чиқариш ҳажми, меҳнат унумдорлиги тез суръатлар билан ўсяпти. Маҳсулот сифати яхшиланиб, турлари тобора ортмоқда. Тикувчилар давлат Сифат белгисига сазовор бўлган буюмлар миқдорини кўпайтиришга интилмоқдалар.

Бирлашмада қўлга киритилаётган ҳар бир ютуқ ишчилар, инженер-техник ходимларнинг изланувчанлиги, ташаббускорлиги ва меҳнатсеварлигидан далолат беради. Ҳозир бу ерда бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан яхшироқ, самаралироқ ва унумлироқ ишлашга аҳд қилганлар сафи тобора кенгаймоқда. Масалан, 25 ишчи ўн биринчи беш йилликда ўн беш йилликда ёки беш йиллик планни бажаришга сўз берди. Бундан ташқари 50 киши беш йиллик планни уч йилда, 100 киши — 3.5 йилда, 350 ишчи — 4 йилда уддалаш ниятида меҳнат қилмоқда.

Коллектив кўлаётган юксак марралар оддий ишчиларнинг дадил ташаббусларини оммалаштириш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, ихтиёрчилик ва рационализаторлик ҳаракатини ривожлантириш, резервлардан тўлароқ фойдаланиш ҳисобига давлат Сифат белгиси билан чиқарилаётган маҳсулот миқдорини 1981 йилда 44,5 процентга, 1985 йилга бориб эса 55 процентга етказишдан иборат.

Бу улкан режаларни амалга ошириш осон эмас. Корхона коллективи узоқни кўзлаган ҳолда муҳим ташкилий-техникавий тадбирларни ишлаб чиқди. Шунга кўра 1981 йил охиригача цехларда механизациялашган поток линиялар, комплексининг энг замонавийлари ўрнатилади. Ишлаб чиқаришга 535 минг сўм сарфланди.

Корхонада маҳсулот сифатини бошқариш, комплекс системасини жорий этишга, уни такомиллаштиришга эътибор кучайтирилмоқда. Ана шу эзгу мақсад йўлида бу ерда 30 хил стандарт ишлаб чиқилди. Эндиликда улардан кенг фойдаланиляпти.

Тикувчилар партия белгилаб берган улуғвор программани муваффақиятли бажаришга интилганликлари туфайли тайёрланаётган маҳсулотнинг техник даражаси яхшиланди. Давлат Сифат белгиси билан чиқарилаётган маҳсулот миқдори 1980 йилда 40 процентга етказилди.

КПСС XXVI съезди қарорлари корхона коллективини янги меҳнат марралари сари руҳлантирди. Съездда аҳоли талабини тўлароқ қондирадиган юқори сифатли моллар ишлаб чиқариш масаласи кун тартибига қатъий қилиб қўйилдики, бундан рағбатланган тикувчилар ўн биринчи беш йиллик учун зиммаларига оширилган мажбуриятлар олдилар. Мақсад— 1981 йилда фан-техника тараққиётини тагин ҳам ривожлантириш, социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш, ишнинг бригада усулини дадил қўлланиш, қимматли ташаббусларни оммалаштириш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, ихтиёрчилик ва рационализаторлик ҳаракатини ривожлантириш, резервлардан тўлароқ фойдаланиш ҳисобига давлат Сифат белгиси билан чиқарилаётган маҳсулот миқдорини 1981 йилда 44,5 процентга, 1985 йилга бориб эса 55 процентга етказишдан иборат.

Бу улкан режаларни амалга ошириш осон эмас. Корхона коллективи узоқни кўзлаган ҳолда муҳим ташкилий-техникавий тадбирларни ишлаб чиқди. Шунга кўра 1981 йил охиригача цехларда механизациялашган поток линиялар, комплексининг энг замонавийлари ўрнатилади. Ишлаб чиқариш технологиясига ҳам муҳим ўзгаришлар киритилади. Айниқса, корхонанинг асосий маҳсулотларидан бири иссиқ капрон куртка-лар ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилади. Беш йилликнинг охиригача ярим автомат ва автомат машиналардан 158 таси ўрнатилади. Шунингдек, устки кийимлар деталларини пардозлашда ишлатиладиладиган КУ-2 маркали компрессор қурилмаси, С-371 маркали пресс, маркировка сифатини яхшилаш мақсадида ПЯ-4 ярим автомат ишга туширилади.

Маълумки, кийим-кечак моделларини яхшилаш, давр талаблари асосида янги моделлар яратиш муҳим масалалардан ҳисобланади. У ёки бу буюмни ишлаб чиқариш, янги моделни жорий этиш учун аввало харидорларнинг талаби; диди ҳар томонлама ўрганилиши лозим. Коллектив бу ишга жиддий эътибор қилмоқда. Самарқанддаги марказий универмагда корхона цехларида тайёрланган кийим-кечаклар сотиладиган алоҳида бўлим ишлаб турибди. Бирлашма мутахассислари универмагда тез-тез бўлишади, қандай товарларга эҳтиёж каттаю, қайсилари харидор эътиборини жалб қилмаётганлигини диққат билан кузатишади. Савдо ходимлари билан ҳамкорликда назарга тушган маҳсулотлар миқдорини кўпайтириш бўйича конкрет тадбирлар тузишади.

Кийим-кечак савдо тармоқларига бежирим, нафис кўринишда етказилса реализацияга ижобий таъсир кўрсатиши тажрибада бир неча бор синовдан ўтган. Шунинг учун ҳам 1981 — 1982 йилларда тайёр маҳсулотларни транспортга ортиш учун зарур миқдорда контейнерлар ишлаб чиқарилади ва тайёрланади.

Маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системасини такомиллаштириш учун кураш тагин ҳам қизитилади. Аҳолининг кенг истеъмол молларига бўлган талабини қондириш ниятида шу йилнинг ўзида корхонанинг Каттақўрғон шаҳридаги филиали техника воситалари билан қайта қуроллантирилиб, тайёрланадиган маҳсулот ҳажми 5 миллион сўмликка етказилди. Оқтош ва Жума шаҳарларидаги филиалларда реконструкция ишлари амалга оширилади. Пайариқ ва Ургут районларида янги филиаллар очилади.

Корхонада бир неча йил муқаддам ишлаб чиқаришни оператив планлаштириш ва диспетчерлаштириш системаси жорий этилганди. Бу ишлаб чиқаришда юз берган кундалик катта-кичик масалаларни ўз вақтида муваффақиятли ҳал қилиш имконини бермоқда. Мазкур система тагин ҳам такомиллаштирилади. 1983 йилда бутун корхонада ишни ташкил этиш ва меҳнатни рағбатлантиришнинг бригада усулини жорий этиш тугалланади.

Корхона эришаётган ютуқларда коммунистларнинг алоҳида улуши бор. Бир беш йилликда икки беш йиллик планини уддалашга бел боғлаган коммунистлардан: Дилором Раҳматова, Матлуба Ҳамидова, Альбина Кичкина ва бошқалар иш суръатини ошириш ва сифатини яхшилаш борасида чинакам ғайрат-шижоат кўрсатмоқдалар. Ана шундай ташаббускорлар ўз вазифаларига юксак масъулият билан ёндашганликлари туфайли бирлашмада шу йилнинг биринчи ярми плани муддатидан 15 кун олдин адо этилди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати 15 процент ортди, давлат Сифат белгиси олган маҳсулот миқдори 44 процентга етди.

Корхонада коллективнинг меҳнат кодекси ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Шу кодекс бўйича мусобақа ғолибларини моддий-маънавий жиҳатдан рағбатлантиришнинг кўпгина самарали шакллари жорий этилди. Мусобақа якунлари ҳар ойда кўриб чиқилади. Биринчиликни эгаллаган асосий цехга кўчма Қизил байроқ ва минг сўмгача пул мукофоти, «Корхонанинг энг яхши цехи» деган ном, голиб сменага кўчма вимпел ва 500 сўм пул мукофоти, «Фабриканинг энг яхши сменаси» деган ном берилади. Корхонада Зоя Космодемьянская, Юрий Гагарин, Юлиус Фучик, Антонио Майдана, Луис Корвалан, Александр Клочков номидаги мукофотлар ҳам таъсис этилганки, булар социалистик мусобақани авж олдиришда катта роль ўйнамоқда.

Корхона коллективининг тажрибаси республика ишчи коллективлари учун ҳам ибратлидир.

И. АБДУРАҲМОНОВ,
Самарқанд область «Ленин йўли» газетаси ходими.

Суратда: Чирчиқ пойабзал фабрикасининг илғор ишчиси Эркин Жўраев. У республикамизнинг 15 нафар новатори ташаббусига қўшилиб, бир беш йилликда икки беш йиллик шахсий топшириқни адо этиш мажбуриятини олиб ишламоқда.

В. Сироткин фотоси.

САНЪАТ ОЛАМИДА

Жанговар қардошлик тўғрисида фильм

Узбекистон ва Белоруссия кинематографиячилари «Уч кишидан бири» деб номланган янги бадиий фильмни суратга олдилар. Бу фильм совет халқларининг Ватан мустақиллиги учун курашда тобланган бузилмас дўстлиги ва қардошлиги ҳақида ҳикоя қилади. «Узбекфильм» студияси режиссёри Эдуард Хачатуров суратга олган кинолентанинг бош қаҳрамони — солдат Раҳим Замонбековдир. У ўз дўсти билан бирга фашистлар қуршовидан чиқиб, белорус партизанлари орасига келиб қўшилади. У отряднинг дадил ҳаракатларида қаҳрамонлик, ташаббускорлик кўрсатиб, ўз ўртоқларининг чуқур ҳурматига сазовор бўлади ва уларга командирлик қила бошлайди.

Узбекистон ССР халқ ёзувчиси Назир Сафаров ва белорус адиби Александр Осипенконинг сценарийси асосида суратга олинган фильмда саргузашт жанридан фойдаланилган бўлиб, лирикага бой саҳналар ҳам бор. Бош ролни актёр Нозим Тўлахўжаев ижро этган. (ЎзТАГ.)

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми матбуотда кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Узбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Узбекистон информация агентлиги (ЎзТАГ) директорининг ўринбосари ўртоқ Темур Турсунович **Расуловга «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»** фахрий унвони берди.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика совет органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Узбекистон ССР озиқ-овқат саноати министрининг ўринбосари Абдупатоҳ Абдукаримович **Пўлатовни** Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

1981 йил 16 июнь куни Кобулда Совет Иттифоқи билан Афғонистон Демократик Республикаси ўртасида Зўр кўлнинг ғарбий соҳилидан тортиб Повал-Швейковск чўққисигача (СССР, АДР ва ХХР давлат чегаралари тўқнашган жой) давлат чегарасининг ўтиши тўғрисидаги шартнома имзоланган эди. Шартнома Совет—Афғонистон чегарасининг шу участкасида мавжуд бўлган ва қўриқланаётган чегара чизигини юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб берди ва шу тариқа Совет Иттифоқи билан Афғонистон Демократик Республикаси ўртасидаги чегаранинг даҳлсизлиги принципини тасдиқлайди.

Шу шартномага мувофиқ ҳал этиладиган масалалар бошқа ҳеч кимга эмас, фақат СССР билан АДРгагина таалуқлидир. Аммо Пекин суверен давлатлар ўртасидаги муносабатларга беҳаёлик билан аралашиш одатига амал қилиб, СССР билан АДР ўртасида тузилган ана шу шартномага хуруж қилди. ХХР Ташқи ишлар министрлигининг вакили шу йил 22 июлда баёнот берди. У ана шу баёнотида Совет—Афғонистон ҳужжати «ғайри қонуний» бўлиб, «ҳеч қандай кучга эга эмас» деб эълон қилди. Гўё шартнома Пекин томонидан тўқиб чиқарилган «Помирдаги Хитой—Совет чегарасининг низоли районн»га таалуқли эмиш.

ХХР ҳукумати кўп йиллардан буён Совет Помиринг бир қисмига даъво қилиш учун гўё ўз ихтиёрида қандайдир шартномали асослар бор, деб кўрсатишга уриниб келмоқда. Бундай асослар умуман ҳеч қачон ўтмаган ва ҳозир ҳам йўқ. Бу участкадаги чегара тарихан таркиб топган бўлиб, 1894 йилда ноталар айирбошлаш йўли билан юридик жиҳатдан расмийлаштирилган эди. Ўша вақтда томонлар Сарикўл тизмалари бўйлаб Помирда «ўзлари эгаллаб турган позициялар доирасидан четга чиқмаслик» тўғрисида келишиб олган эдилар. Бошқа ҳеч қандай чегара чизиги эмас, ана шу чизиқ ўзи ҳозирги вақтда ҳам мавжуддир. Хитой карталарида ҳам ана шу участкадаги чегара совет карталаридагидек белгиланганлиги, яъни Сарикўл тизмалари бўйлаб кўрсатиб ўтилганлигини Пекиндагилар билмаслиги мумкин эмас.

Шу тариқа, ХХР Ташқи ишлар министрлиги вакилининг иғвогарлик руҳидаги тамомила асоссиз баёноти Пекиннинг суверен давлатлар ўзаро қандай шартномалар тузиши керагу, қандай шартномалар тузмасликлари кераклигини уларга кўрсатиб беришдан иборат буюк давлатчилик муддаоларигагина эмас, балки тарихни сохталаштириш йўли билан Хитой раҳбарларининг қўшни мамлакатларга нисбатан территория даъволарини «асослаб бериш» йўлидаги уринишларига ҳам таянади.

ХХР Ташқи ишлар министрлиги матбуот бўлими вакилининг баёнотида совет территориясига нисбатан ғайри қонуний даъволарни ва Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасидаги муносабатларга аралашиш йўлидаги уринишларни қатъиян рад этиб, СССР Ташқи ишлар министрлиги Хитой вакилининг ана шу баёноти ҳар қандай юридик ва амалий асослардан маҳрумдир ва ҳеч қандай аҳамият ёки оқибатларга эга эмас ва эга бўлолмайди, деб таъкидлайди.

Чорвачилик—зарбдор фронт

ИККИ ЙИЛЛИК ОЗУҚА

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съезди минбаридан туриб чорвачиликни кескин ривожлантириш, гўшт, сут ва тухум етиштиришни кўпайтириш, мамлакат аҳолисини шу маҳсулотларга бўлган талабини қондириш муҳим вазифа эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Бу кўрсатмага совхозимиз чорвадорлари «лаббай» деб жавоб бердилар. Шунинг учун ҳам ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида улар ташаббус кўрсатиб меҳнат қилишмоқда.

Бу йил бизнинг чорвачиликка ихтисослаштирилган хўжалигимиз давлатга 256 тонна гўшт, 1600 тонна сут, 290 минг дона тухум етказиб бериш мажбуриятини олган. Тухум тайёрлаш йиллик планини муддатидан олдин ошириб адо этдик. Ҳозиргача давлатга 318 минг дона тухум сотилди. Гўшт тайёрлаш плани ҳам бажарилиш арафасида.

Албатта, чорвадорлар бундай улкан муваффақиятларга ўз-ўзидан эришаётганлари йўқ. Тажрибадан маълумки, чорвачиликни интенсив ривожлантиришга унинг озуқа базасини мустаҳкамлаш ва моллар зотини яхшилаш туфайли эришиш мумкин. Кейинги икки йил ичида хўжалигимизда чорвачиликнинг мустаҳкам озуқа базаси вужудга келганлиги туфайли моллар туёқ сони кўпаймоқда. Уларнинг зоти ҳам яхшиланиб, маҳсулдорлиги ошяпти. Бозор Қурбонов, Назармат Беккулов, Чўли Жўллиев ўртоқлар бошлиқ сут-товар фермаларида соғин сигирлар сони 900 бошдан ошиб кетди. Ҳар 100 бош сигирдан 95—97 бузоқ олинаётир. Нортожи Имомова, Гулнора Қурбонова, Ҳурмат Ҳолиқова, Мафират Раҳмонова, Ражабой Мавлонова сигири моҳир сут соғувчилар ҳар бош сигирдан йилига 4,5—5 минг килограммдан серқаймоқ сут соғиб олишга муваффақ бўлмоқдалар.

Қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш учун съездлар йилида ҳам чорвачиликнинг мўл-кўл озуқа базасини яратишга жиддий эътибор бермоқдамиз. Бу йил чорва моллари учун 2—2,5 йилга етадиган 50 минг тонна озуқа жамғаришга бел боғлаганмиз. Бунинг учун муҳим тадбирлар ҳам ишлаб чиқилди. Жумладан, 13 минг тонна силос ва 10 минг тонна сенаж, 1000 тонна пичан, 10 минг тонна хашаки лавлаги ва бошқа хил озуқа тайёрлашимиз керак.

Кўзланган миқдордаги емхашакни жамғариш учун бизда етарли имкониятлар бор. Ҳамма жойда бўлганидек районимизда, хўжалигимизда бу йил ёғингарчилик кўп бўлганлиги натижасида ўт сероб бўлди. Бундан ташқари 520 гектар майдонда лавлаги аралаштирилган маккажўхори ўстиряпмиз. Унинг ҳар гектаридан 100 центнердан дон ва 300 центнердан лавлаги олишни мўлжаллаяпмиз. Мавжуд 700 гектар ердаги беданинг учинчи ўримини тугатдик. 430 гектар ердаги арпа-буғдойнинг ҳар гектаридан 16 центнердан галла олинди. Ишчиларимиз давлат планини бажаришдан ташқари чорва моллари учун 680 тонна концентрат озуқа тайёрладилар.

Ҳозирги кунларда чорвадорларимиз Баҳористон ва Муборак районлари территориясидан хашак тўпламоқдалар. Бу иш билан 13 зарбдор бригада шуғулланмоқда. Уларга 10 та «КИР» агрегати, 3 та косилка, 5 та прицеп подборшчик, 200 дан зиёд киши жалб қилинган.

Хашак тўплашда 150 нафар коммунист ва комсомол зарбдорларча меҳнат қиляпти. Тўпланган хашакни автотележка ва 15 автомашина пешма-пеш фермаларга ташиб келтирмоқда. Хашак тўплашда Ражаб Ҳолиқов, Эсон Ҳасанов, Исмат Турсунов, Тўқли Усмонов, Рашид Рабдиллаев каби ўртоқлар бошлиқ бригадалар азаматлари ғайрат ва шижоат кўрсатишмоқда. Ҳар бир коллектив шу кунгача 5—6 минг тоннадан хашак тўплашга эришди. Улар ўртасида социалистик мусобақа авж олдирилган.

Нормани ошириб бажарган механизатор ва ишчилар ҳар ўн кунда совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти томонидан вимпел ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланаётир.

Совхозда 3950 бош сигир, 40 бош чўчқа ва 14 минг парранда боқилмоқда. Булар учун ҳозиргача жамғарган озуқамиз 40 минг тоннага яқинлашди. Шу кунларда чорва қишловига пухта ҳозирлик кўриш билан молларни семиз, соғлом ва маҳсулдор бўлишини таъминлаш учун ҳамма чора-тадбирларни ишга солмоқдамиз.

Н. САРИКОВ,
Қашқадарё область, Ульянов районидаги «Партия XXIV съезди» совхози директори.
Х. ПАНЖИЕВ,
совхоз партия комитети секретари,
А. МИРЗАЕВ,
бош зоотехник.

СУВ—ҒЎЗАНИНГ ҚОНИ

Жиззах область Арнасой районидаги Жуков номли совхоз пахтакорлари улкан хирмон яратиш ишқида ғўза парваришини жадаллик билан давом эттиряптилар. Ортиқ Қиличев бошқарувчилик қилаётган олтинчи бўлим пахтакорлари ғўза парваришида пешқадамлик қилишяпти. Бу бўлим пахтакорлари ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида ҳосилдорликни гектар бошига 35 центнерга етказиш ва яппи ҳосилнинг ҳаммасини машиналар билан териб олиш учун курашмоқдалар.

«Сув — ғўзанинг қони», дейди халқимиз. Бўлим пахтакорлари ғўзани обиҳаётга қондиришга алоҳида эътибор беришяпти. Айни пайтда озиқлантириш ва комплекс ишлов беришга ҳам зўр берилаётир. Натижада ғўзалар тобора серҳосил бўлиб ўсяпти. Ҳозир ҳар туп ғўзада ғуж-ғуж гул, тўрт-бештадан тўқ кўсак мавжуд. Чўлқуварлар кўсакларинг салмоқдор бўлиши ва ҳосил нишоналарини якада кўпайтириш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар. Суратда: бўлим бошқарувчиси О. Қиличев илғор суғоч О. Норбўтаев билан суғориш сифатини кўздан кечиришяпти.

К. Жўрақулов фотоси.

ХУТОРЛАРДАН ОБОД ПОСЁЛКАЛАРГА

Қишлоқ қурилиши масалалари

Хоразм областида қишлоқларни шаҳар типида қайта қуриш юзасидан республика партия ва ҳукумати қарорлари қандай бажариляпти? Бу соҳадаги ютуқлар нимада-ю, қандай нуқсонлар бор? Хуторларда янги уйлар қурилишига қачон хотима берилади? Етилган масалаларни ҳал этишга нималар ҳалақит бермоқда? Область мухбиримизнинг мақоласи ана шу масалаларга бағишланган.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларида шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги социал-иқтисодий ва маданий-маиший тафовутларнинг тугалланиши учун собитқадамлик ва изчиллик билан кураш олиб бориш ғоят муҳим вазифа эканлиги алоҳида таъкидланган. Бу масала республика партия ва ҳукуматининг ҳамиша диққат марказида турибди.

Маълумки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Хутор системасини тугатиш ва республика колхозларида капитал қурилишни тубдан яхшилаш тадбирлари тўғрисида» 1972 йил 29 майда қарор қабул қилган эди. Бу қарорда қишлоқларни қайта қуришнинг узоққа мўлжалланган социал-иқтисодий программаси ўз ифодасини топгандир. Шундан кейинги ўтган давр ичида қишлоқларни шаҳар типида қайта қуриш борасида республикада, шу жумладан Хоразм областида катта қўламда бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Областда тарқоқ қишлоқларни, хуторларни тугатиш ва шаҳар типида замонавий турар жой посёлкалари қуришнинг конкрет режалари ишлаб чиқилди, белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши доимий назорат остига олинди. Колхозлар ва совхозлар экономикаси тараққиёти негизида моддий база мустаҳкамланганлиги, қурилиш ташкилотлари қуввати оширилганлиги, давлатнинг катта моддий-техника ёрдами қишлоқларда капитал қурилишни кенг авж олдириш имконини вужудга келтирди.

Республика партия ва ҳукумати қароридан кейин ўтган тўққиз йил мобайнида область қишлоқлари қиёфаси ўзгариб кетди, хуторлар камайиб, шаҳар типидаги обод посёлкалар кўпайди. Рақамлар тили билан айтганда, илгариги 4727 хутордан 1754 таси тугатилди, 268 та обод посёлка бунёд этилди. Бош план асосида қурилган, типовой уй-жойлари, коммунал хизматлари, маиший корхоналари, маданий ва медицина муассасалари бўлган бу посёлкаларда деҳқоннинг турмуш шароити шаҳардагидан қолишмайди. Хуторлар тугатилиши натижасида минг гектардан ортиқ ер экин учун бўшатиб берилди. Йирик аҳоли пунктларига электр, радио, газ, водопровод ва бошқа коммуникацияларни олиб келиш тарқоқ қишлоқларга қараганда анча арзонга тушди, бир неча юз минг сўмлик маблағ ва материаллар тежаб қолинди.

Қишлоқларни қайта қуриш комплекс олиб борилмоқда. Тўққизинчи ва ўнинчи беш йилликда қишлоқда капитал қурилиш миқёси кенгайиб, 317 миллион сўмлик ҳажмда ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектлар ишга туширилди. Колхоз қишлоқларида бир миллион 660 минг квадрат метр турар жой, 46 минг ўқувчига мўлжалланган мактаб, 15 минг ўринли болалар боғчаяслиси, маиший хизмат, медицина, савдо ва маданият тармоқлари фойдаланишга топширилди.

Архитектура —меъморчилик санъати, маданий-маиший шароитлари жиҳатидан шаҳарлар билан тенглашиб қолган қишлоқ посёлкалари областда оғмунча эмас. Боғот районидаги Нариманов номли, Хонқа районидаги Охунбобоев номли, Хива районидаги Фрунзе номли, Шовот районидаги «Партия XIX съезди», Гурлан районидаги «Коммуна» ва «Ленинизм» колхозларининг марказий посёлкалари сўзимизнинг далили бўла олади.

Ленин орденли Охунбобоев номли колхоз Хонқа районидагина эмас, балки областда ҳам донгдор, иқтисодий бақувват хўжалик. Колхозда хуторлар тугатилиб, обод посёлкалар барпо этилган. Қишлоқ марказидаги Қурултой посёлкаси қиёфаси худди шаҳарга монанд. 600 ўринли маданият саройи, кутубхона, колхоз тарихи музейи, ёзги кинотеатр, 1144 ўринли икки мактаб, 280 ўринли боғчаясли, маиший комбинат, дорихона, ҳаммом, кафе-ошхона, савдо маркази —қишлоқ меҳнаткашлари хизматида. Шон-шуҳрат хиёбонида Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган қаҳрамонлар хотирасига мемориал комплекс ўрнатилган. Хушманзара жойда болалар шифохонасанаторийси қурилиб, ишга туширилди. Бу намунали посёлка 1980 йилда энг яхши қишлоқ посёлкаси сифатида Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси биринчи даражали дипломи билан мукофотланди. Иккинчи даражали диплом Шовот районидаги «Партия XIX съезди» колхози посёлкасига берилди.

Эндиликда областда пахтадан, шолидан рекорд ҳосил олаётган, иқтисодий тараққиёт бобида қувончли кўрсаткичларга эришаётган колхозлар ва совхозлар билан бир қаторда, қишлоқларни шаҳар типида қайта қуришда ўрнак бўлаётган таянч-намуна хўжаликлар ҳам кўпайди. Ана шундай хўжаликларда илғор тажриба мактаблари очилганлиги бежиз эмас. Яхшилардан андоза олинса, чакки бўлмайди. Дарвоқе, обод қишлоқлар — юртимиз кўрки, фаровон ҳаётимиз тимсолидир.

Эътироф қилиш керакки, хуторларни тугатиш ва қишлоқларни шаҳар типида қайта қуриш суръатлари ҳозирги давр талаби даражасида эмас. Бу борада қабул қилинган қарорлар, белгиланган тадбирлар қониқарсиз бажарилмоқда. Областда қишлоқ аҳолисини хуторлардан посёлкаларга кўчириш планлари бажарилмаяпти. Бу соҳада белгиланган топшириқ ўтган йили 53 процент ўзлаштирилган, холос. Хуторларни тугатиш ва хонадонларни янги посёлкаларга кўчириш юзасидан ўнинчи беш йиллик план Ҳазорасп районида атиги 30 процент, Боғот районида 46 процент бажарилганлигини ҳеч қандай баҳона билан оқлаб бўлмайди. Ҳазорасп районидаги «Партия XXI съезди», Ленин номли, Боғот районидаги «Коммуна», «Победа» колхозларида бош план асосида посёлкалар қурилиши суст олиб борилмоқда.

Областдаги айрим хўжаликларнинг раҳбарлари замонавий посёлкалар бунёд этишнинг афзалликлари тўғрисида кўп гапирадилар-у, амалда бошқача йўл тутишади. Бир томонда обод посёлкаларда данғиллама уйлар қад кўтаряпти, иккинчи томонда эса хуторларда янги турар жойлар қуриш давом этяпти. Колхоз раҳбарлари буни кўриб, ўзларини кўрмаганга солишади, ўзбошимчаликка лоқайд қарашади. Кейинги икки-уч йил ичида Ҳазорасп, Боғот, Хонқа ва Урганч районларида бош планни бузиб, тарқоқ қишлоқ ва хуторларда уй қуриш фактларига йўл қўйилган. Масалан, Ҳазорасп районидаги Ленин номли колхозда 1979 йилда 11 та ва 1980 йилда 7 та турар жой, «Партия XXI съезди» колхозида 16 та турар жой планси, лойиҳасиз қурилган. Уй-жой қуришда бош планни бузиш фактлари Боғот районидаги «Коммуна», Хонқа районидаги «Октябрь 40 йиллиги», «Победа», Урганч районидаги Энгельс номли, Калинин номли колхозларда ҳам учрайди.

Янги посёлкаларга кўчиб ўтган кўпгина оилалар хутордаги уйларидан воз кечмаётганлиги кишини таажжубга солади. Улар хуторларнинг тугатилишига тўғаноқ бўлишяпти. Натижада жамоат ери талон-торож бўлишига йўл очиляпти. Гурлан районидаги Куйбишев номли, Урганч районидаги Охунбобоев номли колхозларда ва бошқа баъзи хўжаликларда бундай ҳолларга ҳануз барҳам берилмаётир.

Аҳвол шу тахлитда давом этаверса, хуторларни яқин йилларда тугатиб бўлмаслиги ўз-ўзидан равшан. Хўш, нима қилмоқ керак? Бунинг йўли битта: бош планни бузишга чек қўйиш, хуторларда уй қуришни қатъиян тақиқлаш керак. Область ижроия комитетининг қурилиш ва архитектура бўлими, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси ва унинг жойлардаги органлари қурилишда бош планга риоя қилинишини қаттиқ назорат остига олишлари лозим. Бу ишда архитекторларнинг роли ва масъулиятини ошириш зарур.

Кези келганда, қишлоқ қурилиши билан шуғулланаётган бош пудратчи ташкилотларнинг фаолиятини нуқтайториш ва қувватини ошириш ҳаётий муҳим вазифа эканлигини айтиш керак. «Облколхозстрой» ва 21-қишлоқ қурилиши трестлари базасини мустаҳкамлаш, уларнинг районлардаги бўлинмаларини малакали бинокор кадрлар, техника ва қурилиш материаллари билан яхшироқ таъминлаш масаласини ижобий ҳал этиш вақти келди.

Янги ташкил этилган совхозларда ҳам қурилиш ишлари ўлда-жўлда. «Хорезмсовхозстрой» ва «Хорезмводстрой» трестлари қишлоқда қурилишни комплекс олиб боришга жиддий эътибор бермаётирлар. Турар жойлар қурилса-ю, уларга газ, водопровод, канализация, радио ўтказилмаса, бундан нима фойда? Ҳануз ҳаммомсиз, ательесиз хўжаликлар бор. Болалар муассасалари, спорт иншоотлари кам қуриляпти.

Мавжуд қурилиш ташкилотлари қуввати қишлоқларни қайта қуриш режаларини жадал сўрат билан амалга оширишга имкон бермаётган экан, турар жой қурилиши кооперацияларни ривожлантиришга нега етарли аҳамият берилмаяпти? Ҳозири вақтда умумий қурилиш ҳажмининг фақат бир процента уларнинг ҳиссасига тўғри келаётганлигини айтиш кифоя. Эндиликда ҳар бир колхозда турар жой қурилиши кооперативи тузилиши етилган масаладир.

Ўн биринчи беш йилликда областда 1050 хутор тугатилиши, 7400 оила янги посёлкаларда ҳовли тўйи ўтказиши планлаштирилган. Белгиланган режалар тўла рўёбга чиқиши учун барча зарур чоралар кўрилиши лозим. Шаҳар типида обод посёлкалар бунёд этилиши деҳқонларнинг маданий-маиший эҳтиёжларини яхшироқ қондириш ва қишлоқда совет турмуш тарзини такомиллаштиришда ғоят муҳим роль ўйнайди.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

АЛОҲИДА КИТОБЧА ҚИЛИБ НАШР ЭТИЛДИ

РЕЙКЬЯВИК. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съездига қилган Ҳисобот доклади алоҳида китобча қилиб нашр этилди. Бу — КПСС съезди материалларининг исланд тилидаги биринчи нашридир.

Ана шу муҳим ҳужжатнинг исланд тилида нашр этилганлиги, — деди Исландия тинчлик комитетининг раиси Х. Харальдссон, катта аҳамиятга эгадир, чунки мамлакат жамоатчилигига асосий халқаро проблемалар юзасидан СССР позицияси билан танишиш. Совет Иттифоқининг ана шу проблемаларни ҳал этишга, кескинликни юмшатиш жараёнини давом эттиришга қаратилган таклифларини ўрганиш учун ажойиб имконият яратиб беради.

КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVI съездига Ҳисобот докладида, — деб уқтириб ўтади у, совет кишилари коммунистик қурилишда эришган муваффақиятлар, янги беш йиллик планлари акс эттирилган. Бу планларнинг асосий мақсади — совет халқи фаровонлигини ошириш ва қаратилгандир. (ТАСС).

ЯНГИ ҲАЁТ ЙЎЛИДАН

Корейс халқи 15 августда ўз мамлакати Совет Армияси томонидан озод этилганлигининг 36 йиллигини кенг нишонлайди. 1945 йил августда Совет Армияси Кореяда япон қўшинларини тор-мор этди ва корейс халқини япон мустамлакачилари ҳукмронлигидан халос қилди. Озодлик ва мустақилликка эришган Шимолий Корея меҳнаткашлари мустақил ишчи-деҳқон давлати —Корея Халқ Демократик Республикасини туздилар.

Ўтган йиллар мобайнида корейс халқи Корея Меҳнат партияси раҳбарлигида социалистик иқтисодий соҳаларда катта муваффақиятларга эришди. Халқ Кореяси тарихан қисқа муддатда қолоқ мустамлака-аграр мамлакатдан социал масалаларни муваффақиятли ҳал этаётган замонавий саноат ва қишлоқ хўжалигига эга бўлган социалистик давлатга айланди. Ҳозир мамлакат меҳнаткашлари Корея Меҳнат партияси раҳбарлигида иккинчи етти йиллик планни бажариш учун ўз куч-ғайратларини ва барча резерваларини ишга солмоқдалар. Ўтган йили бўлиб ўтган Корея Меҳнат партиясининг VI съезди V ва VI съездлар ўртасидаги даврга якун ясади, мамлакат ривожланишининг истиқболларини белгилаб берди.

Халқ Кореяси эришаётган ютуқларда Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг ҳиссаси каттадир. СССРнинг кўмаги билан мамлакатда 60 га якин корхона ва бошқа халқ хўжалиги объекти қайта тикланди, реконструкция қилинди ва қурилди. Ҳозир эса мамлакатимиз техникавий кўмагида ўндан ортиқ корхона ва объект бунёд этилаётир.

Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар кенгайиб, ривожланиб бормоқда. 1961 йил 6 июлда СССР билан КХДР ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида тузилган шартнома совет—корейс муносабатлари ҳар томонлама ривожланишининг мустаҳкам пойдевори бўлиб қолди.

Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари янги ҳаёт қураётган КХДРни қўллаб-қувватлаб, корейс халқининг ўз ички ишларига империалистларнинг аралашувига қарши, Америка қўшинларини Жанубий Кореядан чиқариб юборишга ва мамлакатни тинч бирлаштириш учун олиб бораётган кураши билан бирдамдирлар.

С. САЙДАЗИМОВ.

ҚАТЪИЙ ҚОРАЛАНМОҚДА

Жаҳонда Америка маъмуриятининг яппи қирғин қуролининг энг иллюзия ва энг ваҳшиёна тури — нейтрон бомбани кенг кўламда ишлаб чиқара бошлаш тўғрисидаги қарорига қарши ғазаб-ғазаб билан норозилик билдириш кампанияси кучайиб бораяпти.

ВЕНА. Дания бош министри А. Йоргенсен ана шу қарорни қоралади. У Австрия АПА агентлигининг мухбири билан суҳбатда бундай деди: Рейганнинг қарори Шарқ билан Ғарб ўртасида қуролсизланиш юзасидан олиб бориладиган музокараларда катта ғозларни вужудга келтиради, ваҳолонки, бундай музокаралар муҳим аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари, ана шу қарор умуман музокараларга халақит бериши мумкин. Дания, деб таъкидлади А. Йоргенсен, гарчи НАТОнинг аъзоси бўлса ҳам, ядро қуролини ўз территориясида жойлаштиришдан воз кечади.

ПАРИЖ. Франция Компартияси Сиёсий бюросининг аъзоси, ФКП Марказий Комитетининг секретари Гастон Плиссонье бундай деди: нейтрон бомба ишлаб чиқариш қуролланиш пойгасини янада авж олдиришдан далолат беради. Вашингтон қарори, деб таъкидлади у, ядро урушининг бошланиш хавфини ғоят кучайтиради. Америка маъмурияти нейтрон бомбани Европа қитъасида «чекланган» ядро урушини олиб бориш воситаси деб ҳисоблаб, Европани ўз стратегиясининг қурбонига айлантиради, деди Г. Плиссонье.

ВАШИНГТОН. Арканзас штатидан демократ сенатор Дейл Бамперс бундай деди: маъмурият кўраётган тадбир «инсониятнинг келажагидан ташвишланишни янада кучайтиради».

Сенатнинг маблағ ажратиш комиссияси раиси, орегонлик республикачи Марк Хэтфильд ҳам нейтрон бомбалар ишлаб чиқариш ядро урушининг бошланиш хавфини кучайтиражагига алоҳида эътибор берди.

БЕРЛИН. ГДР Тинчлик Кенгашининг баёнотида бундай дейилган: миллионларча кишилар Америкада ишлаб чиқарилган ва ўртача олисликка мўлжалланган ядро ракеталарини Европа территориясида жойлаштиришга йўл қўймасликни ва ниҳоят қуролсизланиш йўлидаги конкрет тадбирлар тўғрисида келишиб олишни талаб этаётган бир пайтда Вашингтон қабул қилган қарор бутун жаҳонда тинчликка яна таҳдид қилишдан бошқа бир нарса эмас. Бу қарор атом қурол-яроғларини қисқартириш йўлидаги ҳаракатларга берилган оғир зарба бўлиб, бутун тинчликсевар инсониятга сурбетларча даҳдаҳа қилишдир.

ХАНОЙ. Вьетнам Компартияси Марказий Комитетининг органи «Нян зан» газетаси редакцион мақоласида АҚШ президентининг қарорига бемаъни авантюристик иш, деб баҳо берди.

Америка президенти кескинликнинг юмшатилишига салбий қараётганлигини, халқаро кескинликни юмшатишга қаратилган тадбирлар тўғрисида Совет Иттифоқи билан ва бошқа тинчликсевар кучлар билан музокаралар олиб боришга тайёр эмаслигини яна бир марта кўрсатди.

БОННГ. Германия Коммунистик партиясининг Раиси Г. Мисснинг баёнотида бундай дейилади: АҚШ ҳукумати ўз қарори билан қуролсизланиш ва тегишли музокаралар олиб бориш тарафдори эмас, балки қуролланиш пойгаси тарафдори эканлигини намойиш қилди. АҚШ ҳарбий соҳада устун бўлишга интилмоқда ва ядро урушига тайёргарлик кўрмоқда. ГФР коммунистлари барча демократик кучлар билан иттифоқ бўлиб, Америка ядро ракеталарини ва нейтрон бомбани Германия Федератив Республикасида жойлаштиришга қарши, тинчлик ва қуролсизланиш учун курашни кучайтиришга қатъий қарор берганлар, деб уқтириб ўтди, Г. Мис.

РИМ. Италия Коммунистик партияси раҳбарлиги ва секретариатининг аъзоси А. Миннуччи бундай деди: нейтрон бомба ажал қуроли бўлибгина қолмай, ҳозирги кунда қуролланиш пойгасини авж олдираётган кишиларнинг ваҳшийлиги ва ўта беҳаёлиги рамзи ҳамдир. Бу қуролни вужудга келтирувчилар кенг территорияда жонли мавжудотнинг ҳаммасини йўқ қилиб, моддий неъматларни дахлсиз қолдиришни кўзлайдилар.

ЛОНДОН. Лейборист депутатлардан бир группаси ёзги каникулга чиққан парламентнинг ишини дарҳол тиклашни талаб этди. Улар бош министр М. Тэтчер номига юборилган мактубда Америка маъмуриятининг қарори тўғрисидаги масала юзасидан дарҳол муноза-ралар бошлаш зарурлигини таъкидлайдилар. Парламент аъзолари уқтириб ўтганидек, Вашингтоннинг хатти-ҳаракатлари халқлар осойишталигини катта хавф остида қолдиради. (ТАСС).

ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

АЛ-ЖАЗОИР. Янги ўқув йилида Жазоирдаги кўпгина ўрта мактабларда рус тили ўрганилади. ЖХДР ўрта ва техника таълими масалалари билан шуғулланувчи давлат секретариати шу ҳақда қарор қабул қилди.

Жазоир ёшлари ўртасида рус тилини ўрганишга қизиқиш йил сайин ўсиб бормоқда. СССР билан Жазоир Халқ Демократик Республикаси ўртасида иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқаларнинг кенгайганлиги бунга кўп жиҳатдан ёрдам бермоқда.

УММОН. Исроил маъмурлари Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида ва Газо секторида босиб олинган ерлардаги араб маъмуриятига нисбатан яна ўзбошимчалик қилдилар. Улар араб мамлакатлари давлатлари ва ҳукуматлари бошлиқларининг 1978 йилда Бағдодда бўлиб ўтган кенгаши таъсир этган 150 миллион доллардан иборат фонддан маблағ олишни тақиқлаб қўйдилар. Бу маблағлар босиб олинган араб ерларида муниципалитетларнинг эҳтиёжлари учун ва ҳар хил социал ва иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратилган эди. (ТАСС).

АЛИШЕР НАВОИЙГА БАҒИШЛАБ

Кобулда буюк шоир, Шарқ мутафаккири ва давлат арбоби Алишер Навоий туғилган кунининг 540 йиллигига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион Кенгаши Раиси Б. Кармал семинар қатнашчиларига мурожаатнома йўллади. У мурожаатномада мамлакат олимларини А. Навоий ижодини ўрганиш соҳасидаги ишни ривожлантиришга ва кучайтиришга, Навоийнинг инсонпарварлик ва эзгу ғояларини кенг халқ оммасига етказишга даъват этди. Семинар ишида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қўлёзмалар институтининг директори А. Қаюмов бошчилигидаги совет олимлари делегацияси иштирок этди. (ТАСС).

ИНДИРА ГАНДИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

НАЙРОБИ, 13 август (ТАСС). Ҳиндистон нейтрон қурол ва яппи қирғин қуролининг барча бошқа турларининг ишлаб чиқарилишига қарши қатъиян норозилик билдирмоқда. Биз урушлар, айниқса термоядро урушлари бўлмайдиган дунёда яшашимиз керак, деди Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди Кения пойтахтида ўтказилган матбуот конференциясида. Ҳиндистон ҳукуматининг бошлиғи АҚШ нейтрон қуролни кенг кўламда ишлаб чиқариш тўғрисидаги қарорни эълон қилганлигидан ғоят ташвишланганлигини билдирди. Қуролланиш пойгаси йўлида қўйилган ҳар бир қадам, деди у, тобора кўпроқ хавф-хатар туғдиради ва инсоният учун янада кўпроқ вайронгарчилик келтириб чиқаради.

Бош министр айтдики, Ҳиндистон атом энергетикасини нуқул тинчлик мақсадида, жумладан, электр энергияси ҳосил қилиш, медицина, қишлоқ хўжалиги соҳаларида ривожлантиришдан манфаатдордир.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● Лаослик йигит ва қизлардан катта бир группаси Тошкент, Тбилиси, Ленинград, Волгоград, Боку ва Совет Иттифоқининг бошқа шаҳарларидаги ҳунар-техника билим юртларида ўқиш учун жўнаб кетди. Улар миллий экономикани юксалтириш учун зарур бўлган ўнлаб ишчи касбларни ўрганадилар.

● Ливан мудофаа олий кенгаши мамлакат ҳаво ҳужумидан мудофаа воситаларини такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Олтмиш центнерчилар

Жиззах райони пахтакорлари ўртасида 60 центнерчилик ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. Улар сафида Ленин орденли «Москва» ва Навоий номли колхозларнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Умри Орифжонова, Ортиқбой Раҳматов, Туҳфа Раҳматқулова, Ҳамид Олимжон номли колхознинг Номоз Содиқов, Каттабой Қиёмов, Жданов номли совхознинг Нормат Раззоқов, Ленин номли совхознинг Ўринқул Зулфонов ўртоқлар бошлиқ бригадалари бор.

Деярли барча 60 центнерчи ташаббускор бригадалар ишни икки сменада ташкил этиш ташаббуси билан чиқмоқдалар.

— Зарбдор юз кунликнинг ҳал қилувчи палласи бошланди, — дейди Ҳамид Олимжон номли колхоз бригада бошлиғи, Ленин ордени кавалери Номоз Содиқов, — Шунинг учун ишни икки сменада ташкил этиб, август ойида ҳар туп ниҳолда 5-6 тадан кўсак тўплашга эришамиз. 85 гектар ердан она-Ватанга 520 тонна пахта ва мутаҳассислар етиштирамиз.

Районда 60 центнерчи бригадалар сони 10 тадан ошиб кетди. Фақат ташаббускорлар кучи билан пландан ташқари 2000 тоннадан кўпроқ пахта етиштириш шиори ўртага ташланди. Съездлар йилида районда пахта ҳосили шу йўл билан бултургидан яна 5000 тоннага ошади. Она-Ватан Жиззах райони пахтакорларидан 60 минг тонна «оқ олтин» қабул қилиб олади.

Н. МИРЗАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

БЕПОЁН ВАТАН МАДҲИ

САНЪАТ ОЛАМИДА

СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида ашула ва рақс бадиий ҳаваскорлик коллективларираро «Ватанимни куйлайман» номли кўрик-конкурс ўтказилди. Кўрик-конкурсда серқуёш республикамиздан «Андижон полькаси» ансамбли ҳамда «Тиканак» бадиий агитбригадаси коллективлари иштирок этди. Улар конкурсда ижрочилик маҳоратларини намойиш этиб, олтин медаль ҳамда мукофотли ўринларни эгаллашга муяссар бўлдилар.

Бугунги кунда кўпмиллатли совет санъатининг таркибий қисми бўлган республикамиз санъати доврўғи ҳам оламга машҳур. Кунданкунга ёш, ёркин истеъдодли санъаткорлар етишиб чиқмоқда, улар забардаст санъаткорларимиз изидан бориб, маданиятимиз равнақи йўлида меҳнат қилмоқда. Табиийки, ёш истеъдодларнинг юзага чиқишида партия ва ҳукуматимизнинг уларга кўрсатаётган оталарча ғамхўрлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу йилнинг бошида СССР Маданият министрлиги коллегияси ва Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг Бош комитети ҳамкорликда СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида ашула ва рақс бадиий ҳаваскорлик коллективлари ва иттифоқдош республикаларнинг бадиий агитбригадалари ўртасида «Ватанимни куйлайман» номли кўрик-конкурс ўтказиш ҳақида қарор қабул қилган эди. Бу кўрик-конкурсни ўтказишдан мақсад — янгидан янги халқ талантларини юзага чиқариш ва бадиий ҳаваскорлик коллективлари ишини янада яхши йўлга қўйишдан иборат эди. Кўрик-конкурс шартига кўра Ўзбекистондан республика конкурси ғолиблари бўлган икки коллектив — Андижон область халқ ижоди ва маданий оқартув ишлари илмий методик маркази қошидаги «Андижон полькаси» ашула ва рақс ансамбли ҳамда Фарғона область Қувасой шаҳар Маданият уйи қошидаги «Тиканак» бадиий агитбригадаси коллективи иштирок этди. Бир неча кун муқаддам бу ижодий коллективлар пойтахт меҳнаткашлари ҳузурида ўз санъатларини намойиш этдилар. Раққосаларнинг жозибали рақслари, хонандаларнинг бепоён мамлакатимизни, бунёдкор халқларимиз дўстлигини, қардошлигини улуғловчи ажойиб асарлари барчани ўзига мафтун этди. Н. К. Мешко, А. В. Прокошина, О. А. Золотова сингари таниқли санъаткорлар, санъатшунослар республикамиз бадиий ҳаваскорлик коллективлари чиқишларини юксак баҳоладилар.

«Тиканак» бадиий агитбригадаси турли касб эгаларидан ташкил топган: Р. Мадмусаев — ўқитувчи, К. Юсупов — шофёр, Ж. Ҳаитова — бухгалтер... Агитбригада коллективи бўш вақтларини пахтакорлар, чорвадорлар ва ишчилар ҳузурида ўтказади, ажойиб куй ва қўшиқлари, рақслари билан уларни хушнуд этади.

«Андижон полькаси» ансамблининг бугунги муваффақиятларида ансамблнинг бадиий раҳбари республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Абдуғаффор Қодировнинг хизматлари катта.

«Ватанимни куйлайман» номли кўрик-конкурсда муваффақият қозонган бу икки коллектив санъаткорлари куни кеча «Космонавтлар шаҳарчаси» аҳлининг меҳмони бўлишди, ўзларининг янгроқ тароналари, жозибали рақслари билан уларни ҳам хушнуд этдилар.

Т. ОБИДОВ.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги Халқ ижоди ва маданий-оқартув ишлари илмий-методик маркази директори.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг
ТОШКЕНТ ҲУНАР-САВДО БИЛИМ ЮРТИ
1981-82 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти юқори малакали сотувчи ва сотувчи-контролёр-кассирларни икки йўналишда тайёрлайди:

боққоллик-кондитерлик, гастрономия, гўшт-балиқ ва сут маҳсулотлари бўйича;

газлама, тикув буюмлари, пойабзал, трикотаж, галантерея, парфюмерия, маданий-маиший ва хўжалик моллари.

Ўқиш муддати — 1 йил.

Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртига Ўзбекистон ССР шаҳарларида яшайдиган 15 дан 20 ёшгача (ҳамда Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган 23 ёшгача) **бўлган 8, 9, 10-синф ҳажмида маълумотли лар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.**

Билим юртини тугатганларга **«кичик сотувчи», «сотувчи» «сотувчи-контролёр-кассир»** деган малака берилади.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқувчиларга 32 сўм ва 41 сўмдан стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳридаги илғор магазинларда: бош универмаг — ГУМ; «ГАСТРОНОМ» республика конторасига қарашли йирик магазинларда ва «УНИВЕРСАМ»ларда ўтказилади.

Назарий машғулотлар билан ишлаб чиқариш практикаси ҳар 3 кунда алмашади.

Агар билим юртини битирувчилар ҳамма фанлардан аъло баҳоларга эга бўлиб, квалификацияси бўйича ҳам имтиҳонларни муваффақиятли топширсалар, бундай битирувчилар, педагогика советининг қарорига мувофиқ, билим юртини битириб, бир йўла олий ўқув юртининг кундузги бўлимига ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўладилар (битирувчилардан 10 проценти).

Билим юрти қошида кечки ўрта мактабнинг 9, 10 ва 11-синфлари ишлайди.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), туғилганлиги тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат, характеристика, ота-онасининг иш жойидан справка, халқ депутатлари совети область ижроия комитети Савдо бошқармасидан ёки халқ депутатлари совети ижроия комитети савдо бўлимидан йўлланма.

Билим юрти адреси: 700173, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Акмал Икромов райони, Бобир кўчаси, 3-уй (4, 9, 19-трамвайларнинг «Чўпон ота»касалхонаси» бекатлари). Телефон: 78-44-30.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШОИРЛАРИ ИЖОДИДАН

Ҳўжабек СЕИТОВ

СИРЛИ САЁҲАТ

БОЛАЛАРИНГИЗГА ЎҚИБ БЕРИНГ

Сайр қилиб болалар
Тўқайга йўл олишди.
Чўчиб қушлар галаси
Бирдан учиб қолишди.
Оғзин очиб Сафарбек
Ҳайрон бўлиб қаради:
— Қушлар нега учди?—деб,
Муаллимдан сўради.
Мирзан муаллим шунда
Мийиғида кулади:
«Бола балки сиртимдан
Синарми», деб ўйлади.
Аммо қизиқишига
Устоз нўнғли тўлади.
Дер: «ёввойи қуш доим
Чўчир, ҳуркак бўлади.
Асовлик, ҳуркиш, чўчиш
Ёввойиликдан нишон,
Гижинглармиди тойчоқ
Ургатмаганда инсон.
Меҳр қўйсанг қуш, ҳайвон
Одамдан ҳеч қочмайди.
Яқин тутиб ўзини,
Тез ўргана бошлайди».
Сафарбек ёдга олди
Асов тойнинг тепганин.
Бойчиборнинг узоққа
Олиб қочиб кетганин.
Тойим энди ажойиб,
Деб ўйланиб турганда
От кишнади қайдадир,
Сайраб қолди тўрғай-да.
Тўрғайнинг шўх куйидан
Бола лаззат олгандай.
Термулади тўқайга
Гўё хумор бўлгандай,
Савол берар устозга,
Не қилса ҳам бола-да.
Дер, «тўқай пайдо бўлган
Нега сувсиз далада?»
«Қақраган ер бормиди
Амунинг чет, қирида.
Тўқайлик кенг дала ҳам
Бўз ер бўлган бурунда.
Баҳор келиб, бўлгач ёз
Қушга макон бўлибди.
Сувда сузиб ўрдан, ғоз
Учишибди, қўнибди.
Ён-атрофи қамишзор,
Аммо ерлар унумсиз,
Йўлбарслар иларсиб
Кезиб юрган тинимсиз.
Йўлбарсларнинг дастидан
Жабр кўриб подалар,
Қуёнлар ҳам қўрқишдан
Ич-этини таталар.
Бўлган бойлар яйлови
Анови қир-далалар.
Ялангликда қум босиб
Утган кийик галалар.
Бўлган турфа ҳангома
Бу ерларда қадимда.
Бўри, шоқол, қашқирлар
Изғиб юрган қадамда.
Сувн қуриб анҳорлар
Бўлиб қолган тўқайзор
Эл-юртга бу тўқайнинг
Билсанг, кўп хислати бор.
Намсиз гиёҳ кўкармас.
Тўқайзор ҳам ўсмайди.
Сув, нур, ҳаво етмаса,
Энинлар ҳеч пишмайди».
Тўғри дея Сафарбек
Бош чайқатар шу заҳот.
Дилга ором бахш этар
Бу сеҳрли саёҳат.
—Тўқайзор, тоғ, қумлиннинг
Узига хос сири бор —
Дейди Мирзан муаллим, —
Бунга қилсин эътибор...
Ўқитувчи сўзидан
Нур олгандай болалар.
Гўё улуғ ҳикматни
Тасдиқлайди далалар.

Қорақалпоқчадан
Қамбар УТАЕВ таржимаси.

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

ЎЛКАМИЗ НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ

Пахтакор районидаги Ҳ. Абдужабборов номли боғдорчилик ва узумчилик совхозининг соҳибкорлари бу йил мўл-кўл мева етиштирдилар. Мевали дарахтларни яхши парваришлаш туфайли ана шунга эришилди. Совхоз коллективи пландаги 95 тонна ўрнига 141 тонна мева топширди, ҳозирги кунда улар давлатга юз тонна ўрнига 320 тонна ширин-шакар узум етказиб бериш учун курашаётирлар. Ҳар куни чўлқуварлар дастурхонига тонналаб узум етказиб бериляпти. Суратда: совхоз директори А. Хидиров юқори қосилли бригада бошлиғи О. Қаршиев билан узумзорда.

Ш. Урозалиев фотоси.

СПОРТ

ТЕННИС:

ЕВРОПА ЧЕМПИОНИ

Тошкентлик Флюра Булатова эндигина ўн саккиз баҳорни кўрди. Шунга қарамай абжир қиз қитъа чемпиони номига сазовор бўлди. Чехословакиянинг Топольчани шаҳрида стол тенниси бўйича ўтказилган Европа чемпионатида учрашувларни муваффақиятли ўтказган бу моҳир спортчи голиблик супасининг юқори погонасига кўтарилди. Усмирлар ўртасида ўтказилган мусобақада совет спортчиларининг команда ҳисобида қўлга киритган муваффақиятига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган Флюра чемпионатнинг якчил олтин медалини қўлга киритган эди. У шахсий ҳисобда ўтказилган мусобақаларда ҳам ўзини кўрсатди. Ҳал қилувчи баҳсни ЧССР чемпиони М. Грахова билан ўтказиб, Европа чемпиони бўлди. Флюра шунингдек, аралаш баҳсларда ҳам бронза медалини олишга эришди.

● ЕНГИЛ АТЛЕТИКА: Москвада ўтказилган Бутуниттифоқ мусобақасида 1500 метрли масофага югурган андижонлик З. Зайцева (3 минут 58,70 секунд) иккинчи ўринни эгаллади.

● МЕРГАНЛИК: Москвада СССР кубоги учун ўтказилган мусобақада тошкентлик И. Кузнецова ВП-4 машкини бажариш бўйича 382 очко жамлариб иккинчи ўринни олди.

● СУЗИШ: Ереванда 14—15 йшли спортчилар ўртасида ўтказилган СССР чемпионатида зарафшонлик Н. Комарова муваффақиятли қатнашди. У 100 ва 200 метрга брасс усулида сузиш бўйича муваффақият қозонди.

● ТЕННИС: Киевда ўтказилган халқаро мусобақада тошкентлик В. Авчинниковз халқаро классдаги спорт мастери И. Чмирёвадан (6:4, 7:5) устун келиб, ярим финалда курашиш имконилтига эга бўлди.

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

1982 йил 1 январдан эътиборан газетамиз ҳар нусхасининг баҳоси 3 тийин қилиб белгиланади.

Бунинг сабаби, қоғоз нархи кўтарилганлиги, шунингдек газетани полиграфик жиҳатдан безаш ва уни обуначиларга етказиб бериш учун харажатларнинг ортганлигидадир.

ҲЕЧ КИМ, ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ

БИЗНИНГ МАМАТ АКА

Улуг Ватан уруши тўғрисида ҳар гал доклад қилиш ёки суҳбат ўтказишга тўғри келганда совет кишиларининг жасорати ҳақида конкрет мисол тариқасида фронт алоҳида штурмчи батальони разведкасининг бошлиғи старший лейтенант Мамат Алиевнинг қаҳрамонлигини тилга оламан.

Днепр соҳилига чиқишимизга 16 километр қолган. Уч кундан буён тўхтовсиз ёмғир ёғяпти. Алоҳида штурмчи батальоннинг вазифаси Днепр дарёсига чиқиш ва тўхтамасдан ўни кечиб ўтиб, корпуснинг асосий қисмлари етиб келгунча плацдармни қўлдан бермай туриш эди.

Штаб бошлиғи душман тўғрисида умумий маълумотларнигина айтиб, разведкачини қизиқтирадиган аниқ фактларни келтирмагач, Алиев ҳайрон бўлиб қолди. У душманнинг кучларини, батальоннинг ҳаракат йўналишида фашистларнинг қандай қисмлари борлигини, улар билан қаерда тўқнашиш мумкинлигини аниқлашни истарди.

— Ўртоқ Алиев, старший лейтенант Тараннинг разведкачилар взводини олиб йўлга чиқинг, — деб буюрди батальон командири гўё Алиевнинг кўнглида нима кечаётганини сезгандек. Сўнгра унга нималар қилиш кераклигини батафсил тушунтирди. У душманнинг қисмлари составини аниқлаши, кечиб ўтиладиган жойда дарёнинг кенглиги, чуқурлигини белгилаши, дарёдан ўтиш учун қайиқлар ва бошқа воситаларни топиши керак эди.

Ташқи кўринишидан ҳамиша хотиржам кўринадиган бу йигит ҳар қандай топшириқни пухта бажарарди. Бу фазилати учун разведкачи офицерни ҳамма ҳурмат қилар, уни «Бизнинг Мамат ака» дейишарди.

Тонг отишига икки соат бор. Олдинда «Октябрь революцияси» колхози, унинг ортида Днепр дарёси. Дарёнинг нариги соҳилида эса Красний Бургун қишлоғи жойлашган. Дарёни кечиб ўтиб, плацдармни эгаллаш учун ана шу қишлоқдаги душман кучларини билиш керак. Ҳали тонг ёришмай туриб Алиев разведкачилардан Белов. Стечний, Удовиченко ва Конев билан бирга қайиққа тушиб Днепрдан ўтишди. Мана Красний Бургун қишлоғи. Икки солдатдан иборат патрул кўчанинг нариги томонига кетмоқда. Энг четдаги уй эгаси молхона ёнида уймалашиб юрибди. Худди шу киши фашист офицери ящайдиган уйни кўрсатди. Офицер ётган жойида қўлга олинди. Бунгача старший лейтенант Тараннинг разведкачилари ўнг соҳилга ўтиб улгуришган эди.

150 кишидан иборат биринчи эшелон душманга билинтирмай разведкачилар орқасидан дарёдан ўтди. Сўнг иккинчи, учинчи эшелонлар ўта бошлади. Тўртинчи эшелон дарё ўртасига етиб келгунча тонг ёришиб қолди. Тўпларнинг гумбирлаши, пулемёт ва автоматларнинг тириллаши тинчликни бузди. Дарё ўртасида сув қайнай бошлади. Омон қолган қайиқлар ҳамон олға интилади. Бироқ, ўнг соҳилга ўтиб олган жангчилар ҳужумни кучайтириб, плацдармни қўлга киритдилар.

...Атака бошланган вақтда Алиев разведкачилар взводида эди. Фашист окоплари томон ўқдек отилиб кетаётганда қоринга нимадир келиб урилди ва у ерга қулади. Бақирмоқчи бўлди, лекин овози чиқмади. Кимнингдир кучли қўллари уни агдариб, кийимларини йиртди. Унинг ярасини боғлашаётган эди.

Душман қўлдан чиқарган позицияни эгаллаш учун тўхтовсиз ҳужум қилар, жангда қатнашаётган танклар сони ҳам тобора кўпаяр ди. Таран взводигина жангнинг дастлабки уч-тўрт соати ичида тўқкизта танкни ёндириб юборди. Кечқурун немислар катта куч билан 18-марта ҳужумга ўтдилар. Бу гал улар қирғоқ бўйлаб батальоннинг икки томонидан ҳужум қилдилар. Чуқурликда ярадор бўлиб ётган Алиев автоматларнинг тириллашини, қўл гранаталарининг портлашини, немисларнинг бақиришини эшитиб ётарди. Оғриқнинг зўридан тишларини ғичирлатиб чуқуриқдан чиқди. Ярадорлар ва санитарлар, ўқ ташувчилар қирғоққа келиб қолган фашистлар ҳужумини қайтариш учун жонжаҳдлари билан ҳаракат қилишарди. Алиев огир ярадор бўлишига қарамай, жангни ташкил этди, солдатларни энг муҳим позицияларга жойлаштирди. Шу тариқа қуршовда қолиш ҳавфи тугатилди.

Шу куни разведкачилар Днепр дарёсини кечиб ўтган 1943 йилнинг 3 сентябрь куни немислар 19 танк ва 200 дан ортиқ солдатидан маҳрум бўлдилар. Бизнинг батальонимиз ҳам катта талафот кўрди.

Қоронғи тушиши билан ўқ-дори ва озиқ-овқат келтириш учун шарқий соҳилга ўтаётган қайиқларда ярадорлар олиб кетилди. Қайиқлардан бирида санитар ва икки енгил ярадор бўлган партизан билан бирга Мамат Алиев ҳам бор эди. Бирданига дарё устида ёритувчи ракета пайдо бўлди. Пулемётдан отилган ўқлар қайиққа тобора яқинлаша бошлади. Бирдан санитарнинг қўлидаги эшкак тушиб кетди ва у борт ортига қулади. Қаттиқ оғриқдан Алиев хушидан кетди.

... Днепрнинг чап соҳилида жанг майдонидан анча қуйида қайиқни кишилар ушлаб олишди. Алиевни эрталаб батальон бўлинмасига келтиришди. У тирик эди. Биринчи ёрдамдан сўнг у ҳушига келди. Кўп қон йўқотган, гапиришга ҳам мадори йўқ. Ранглар юзидан кўз ёши думалаб туша бошлади...

— Мамат! Маматвали! — деди бўлинма командири овози титраб. — Ғалаба учун сен кўп иш қилдинг. Бутун қисм номидан миннатдорчилик билдираман... Раҳмат... Старший лейтенант Алиев дарҳол госпиталга юборилсин!

... Алоҳида штурмчи батальон плацдармни эгаллаб турган солдатларимизни дарёга улоқтириб ташлаш учун бошқа йўналишлардан куч келтириб ҳужумни давом эттираётган душман билан жанг қилишга тайёрланмоқда эди. Немисларнинг шу ерда жанг билан овора бўлиб қолишидан фойдаланган 2-гвардиячи корпуснинг 6-гвардияви бригадаси Днепрдан ўтишга тайёрлана бошлади.

А. РУДАКОВ,

истеъфодаги полковник, алоҳида штурмчи батальоннинг собиқ командири.

ФАН-ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ПАХТАКОРЛАРГА ЁРДАМ

Педагог Соҳиб Тилаболдиев, Кўрғонтепа район «Сельхозтехника» бирлашмаси бошқарувчиси Усмон Қурбонов ҳамда ихтирочи ва рационализаторлар Бутуниттифоқ жамияти Андижон области кенгаши маслаҳат пункти мудири Владимир Волосатовлар яратган культиватор бирданига икки операцияни бажаради. Культиватор ғўза пайкалларига энига ҳам, бўйига ҳам ишлов беради.

Ихтирочилар узунасига ишлов берадиган оддий культиваторга мураккаб бўлмаган қурилма ўрнатишни таклиф қилдилар. Ричаглар системаси учи тракторнинг асосий валидан ҳаракатга келтиради. Бу қурилма тупроқни бирданига икки йўналишда юмшата олади.

Бундай культиваторни ясашни педагог Соҳиб Тилаболдиев таклиф қилди. Унга инженерлар ёрдам беришди. Культиватор ишлаб чиқаришда синаб кўрилди. Механизаторлар бу культиваторга юқори баҳо бердилар. (ЎзТАГ).

Василий Пантелеймонович КОНДРАТЮК

Совет фани огир жудоликкга учради. 11 август куни тупроққа ишлов бериш соҳасида йирик олим, Бутуниттифоқ пахтачилик институтининг кекса ходимларидан бири, КПСС аъзоси, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Василий Пантелеймонович Кондратюк 75 ёшида тўсатдан вафот этди.

В. П. Кондратюк 1907 йили Одесса областининг Грушевский районидаги Розношенци қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди.

Одесса қишлоқ хўжалиги институтини 1931 йили тугатган В. П. Кондратюк Ўзбекистон ССРга ишга юборилди. У меҳнат фаолиятини Фарғона областининг Бағдод машина-трактор станциясида агрономликдан бошлади. Илмий фаолияти эса 1933 йили Фарғона тажриба станциясида (СоюзНИХИнинг ҳозирги Андижон филиали) илмий ходимликдан бошланди. 1938 йилдан СоюзНИХИ пахтачилики механизациялаш марказий станциясининг (ҳозирги САИМЭ) агротехника бўлимида илмий ходимлик қила бошлади. У узоқ йиллар мобайнида СоюзНИХИ тупроққа ишлов бериш лабораториясига раҳбарлик қилди ва умрининг охиригача шу институтда ишлади. В. П. Кондратюк 1955 йилда кандидатлик, 1972 йилда эса докторлик диссертациясини ёқлади.

В. П. Кондратюк мамлакат пахтачилигини ривожлантиришга бебаҳо ҳисса қўшди. Чигит экиш учун майдонни икки табақали қилиб ҳайдаш, пахта экиладиган зоналар бўйича тупроққа асосий ишлов беришнинг чуқурлигини фарқлаш, санаб уруг экиш, тупроққа асосий ишлов бериш ҳамда экишдан олдин ишлов беришни минималлаштириш масалалари, алмашлаб экиш мўлжалланган майдонларда ҳайдов чуқурлигини алмаштириб туриш каби муҳим таклифлар унинг изланишлари самарасидир. Кейинги йилларда ғўзага пушта ва жўяк бўйича ишлов беришнинг назарий асосларини ишлаб чиқди. Унинг қаламига мансуб илмий ишлар 150 дан ошади. «Ўрта Осиёда чигит экиладиган майдонга ишлов бериш», «Соз тупроқда кузги ҳайдов», «Ўтли далани ҳайдашнинг янги усули», «Тупроққа асосий ишлов бериш ва экин экишдан олдин ишлов бериш системаси» ҳамда бошқа йирик илмий ишлар шулар жумласидандир.

В. П. Кондратюк илмий фаолиятни катта педагогик иш билан қўшиб олиб борди. Унинг раҳбарлигида кўпгина малакали мутахассис ва олимлар етишиб чиқди.

Партия ва ҳукуматимиз В. П. Кондратюк меҳнатини юксак баҳоладн. У иккинчи даражали Ватан уруши ордени, қўш «Ҳурмат Белгиси» ордени, бир қанча медаль ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди, унга «Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган агроном» унвони берилди.

БИР ГРУППА УРТОҚЛАРИ.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудири: металлар технологияси;

кафедра доцентлари: тўқимачилик саноати корхоналарини ташкил этиш, планлаштириш ва экономика; ҳисоблаш математикаси, пахта ва химиявий толаларни йигириш;

кафедра асистентлари: КПСС тарихи, инженерлик графикаси, полиграфия ишлаб чиқариши технологияси, жисмоний тарбия.

АНДИЖОН ФИЛИАЛИ БЎЙИЧА:

кафедра катта ўқитувчиси: КПСС тарихи;

кафедра доценти: инженерлик графикаси.

МАРҒИЛОН УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ БЎЙИЧА:

кафедра ассистенти: умумтехника фанлари.

Конкурс муддати — 12 сентябргача.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Горбунов кўчаси, 5-уй, 7-хона.

●

СССР Алоқа министрлигининг
ТОШКЕНТ АЛОҚА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудири (профессор, фан доктори): илмий коммунизм;

кафедра доценти: илмий коммунизм (совет ҳуқуқи фани бўйича);

кафедра ассистентлари: фалсафа (2 ўрин), илмий коммунизм.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700084, Тошкент шаҳри, Е-84, Энгельс кўчаси, 108-уй.

●

САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ВА РЕМОНТ-ТАЪМИНОТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси **машиналар, ускуналар, товарлар ва оммавий ишлаб чиқариш бошқа буюмлари учун мўлжалланган фирма табличкаларини пўлат, рух тунука ва латунган чекланмаган миқдорда тайёрлаб бериш учун**

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Буюртма босмахона материалидан тайёрланади. Меҳнат ҳақи — прейскурант бўйича олинади.

Бошқа шаҳарлардан қабул қилинган катта партиядаги буюртмалар темир йўл орқали жўнатилади.

Справкалар олиш ва буюртмалар бериш учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 28-уй, ишлаб чиқариш бўлими. Телефон 32-53-68.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА
16 август соат 19.00 да
СССР биринчилиги учун олий лиганинг
«АРАРАТ» (Ереван) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

●

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

15 августдан 15 сентябргача 1982 йил учун

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА ИДОРАЛАРДАН

ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Обуна «Союзпечать» агентликларида қабул қилинади.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «Союзпечать» бошқармаси.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми аппарати раҳбарлиги, партия ва касаба союз ташкилотлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг катта консультанти Ҳ. Мирпўлатовга акаси

Тоҳир МИРПЎЛАТОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент давлат педагогика институти ректорати, партия ва маҳаллий комитетлари илмий ишлар бўйича институт проректори, фалсафа фанлари доктори, профессор Ж. Т. Туленовга онаси

Ҳайитбуви СОТИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ер силкинишини ўрганиш ва прогнозлаш бўйича комплекс тажриба методика экспедицияси коллективи экспедициянинг план бўлими бошлиғи И. В. Литвиновага отаси

Василий Пантелеймонович КОНДРАТЮКнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Пахта целлюлозасининг химия ва технологияси илмий-тадқиқот институти маъмуриятн, партия ташкилоти ва маҳаллий комитети катта илмий ходим, химия фанлари кандидати В. Орифхоновга онаси

Зуҳра РАСУЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА. МТ-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ковпак ҳақида ўйлар. Бонг. Бадиий фильм. 11.40 — Концерт. 12.20 — Ҳужжатли фильмлар. 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.05 — Концерт. 16.30 — Рус тили. 17.00 — Москва ва москваликлар. 17.30 — Крошнинг таътиллари. Бадиий фильм. 4-серия. 18.40 — В. Заболотний чалади. 18.50 — Мамлакат далаларида. 19.05 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Инсон ва қонун. 20.00 — Подмосковье бўйлаб. 20.10 — Мени ерда кутишмоқда. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Фильм-концерт. 22.55 — Дунё воқеалари. 23.10 — Концерт.

МОСКВА. IV. 9.00 — Время. 9.40 — Ҳужжатли фильмлар. 10.45 — Мультфильмлар. 11.15 — Концерт. 11.40 — Ўзимни ленинградлик деб ҳисоблайман. 12.20 — Фильм-балет. 12.40 — Болалар учун фильм. 13.20 — Ҳиндистон артистларининг концерти. 13.45 — Орлёнок. 14.45 — Қалбга яқин қўшиқлар. 15.30 — Телестадион. 16.00 — А. Блок ҳаётидан телевизион фильм. 17.10 —Концерт. 17.35 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Киносаёҳатчилар клуби. 20.30 — Концерт. 21.15 — Сеҳрли экран. 21.30 — Время. 22.05 — Комиссар Берлахнинг сўнгги иши. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ. I. 11.30 — Мультфильм. 11.50 — Бронза қуш. Бадиий фильм. 3-серия. 12.55— Кичик сеҳргарлар. 13.45 — Дўст-ўртоқлар. Бадиий фильм. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Ёшлик. 19.00 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Наҳом. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Дунё воқеалари. 22.35 — Ў. Ҳошимов. Инсон саодати. 2-қисми.

ТОШКЕНТ. II. 18.40 — Болалар учун телеспектакль. 19.40 — Нон мадҳи. 20.10 — Янгиликлар. 20.30 — Телефильм.

РАДИО

БУГУН

I-ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари. 9.35 — Халқ ансамбларининг концерти. 11.15 — Дала шийпони — оммавий-сиёсий ишлар маркази. 11.25 — Ўзбек куйларидан концерт. 12.10 — Гулла, яшна, қўриқ ўлка! 13.00 — Ем-Хашак тайёрлашнинг боришини текширамиз. 14.00 — Хоразм шоҳиси. Репортаж. 19.25 — Чангда Ф. Содиқов ижро этган куйлар. 21.15 — Инсон ва қонун. 21.25 — Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларига биноан концерт. 22.30 — Бугун радиотеатрда Н. Сафаров. «Наврўз». Роман асосида радиопостановка.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропаганда — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22; стенографистка — 33-73-43, 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-61-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02197. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. В. — 187. 7